O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2006 йил, **7** апрель, жума № **14** (2141).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, **7** апреля, **2006** год, № **14** (2141).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу – цена свободная

Амир Темур – халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзидир.

Ислом КАРИМОВ

БАРҚАРОРЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК – ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҚЎШ ҚАНОТИ

Президент Ислом Каримов пойтахтимиздаги бунёдкорлик ишлари билан танишди

Мамлакатимиз истиқлолининг ўн беш йиллик қутлуғ тўйига улкан ютуқлар билан кириб бормоқда. Демократик ҳуқуқий давлат, очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш, эркин иқтисодиётни ривожлантириш, муқаддас қадриятларимизга мос маънавиятимизни юксалтириш йўлида қўйилаётган янгидан-янги қадамлар бунинг яққол далолатидир.

Залворли ютуқларимизнинг асосида юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, халқимизнинг яратувчанлик руҳи, эртанги кунга бўлган юксак ишончи мужассам. Зотан, барқарорлик ва бунёдкорлик – тараққиётнинг қўш қанотидир.

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида халқимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш, мамлакат ободлиги ва эл-юрт фаровонлигини ошириш, жамиятимизда ўзаро ҳамжиҳатлик, мурувват ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар янги, юксак босқичга кўтарилмоқда. Иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида кузатилаётган барқарор ўсиш суръатлари, юртимизга кенг кўламда кириб келаётган инвестиция ва сармоялар, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси кундан-кунга ўзгариб бораётгани ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди.

Айниқса, пойтахтимизда замонавий янги корхона ва ижтимоий иншоотлар, лицей ва коллежлар, мактаблар, шифохоналар, равон ва қулай йўллар, кўприклар, кўркам боғу хиёбонлар барпо этиш борасида улуғвор ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4 апрель куни Тошкент шаҳрида олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободонлик ишлари билан танишди.

Наврўз байрами кунлари пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур тумани Қоратош мавзесида бир йўла учта янги ижтимоий объект – оилавий поликлиника, тикувчилик корхонаси ва маҳалла маркази ишга тушди.

55-оилавий поликлиника Қоратош, Чағар, Чорсу, Гулбозор, Хадра маҳаллаларида истиқомат қиладиган 30 мингга яқин аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Бу ерда юздан ортиқ тиббиёт ходими ишлайди. Уларнинг асосий қисми оилавий шифокорлардир. Шифохона аҳолига кеча-кундуз ишлайдиган ҳаракатдаги узлуксиз бирламчи тиббий ёрдам хизмати кўрсатади. Болалар, катта ёшлилар, аёлларга тиббий хизмат кўрсатадиган хоналар, шунингдек, алоҳида ихтисосликлар бўйича шифокор кабинетлари мавжуд. Улар энг замонавий компьютер техникаси ва махсус тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Масалан, стоматология хонасида Италиянинг «Фашион» фирмаси ускуналари ўрнатилган. Улар тишни оғриқсиз ва шовқинсиз даволаш имконини беради. Рентген хонасидаги «Флюроренекс» аппарати эса Россиянинг «Вимпель» заводида ишлаб чиқарилган. У бир соатда 60 кишига хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Аввалги рентген ускуналаридан фарқли ўлароқ, бу аппаратда плёнка ва реактивлар ишлатилмайди. Тасвир тўғридан-тўғри компьютерга кўчади ва уни оддий оқ қоғозда чиқариб олиш мумкин.

– Биз оилавий поликлиникаларни шунчаки, замонасозлик учун қураётганимиз йўқ, – деди давлатимиз раҳбари. – Бундай ёруғ ва шинам шифо масканларини бунёд этишдан мақсадимиз соғлом авлодни камол топтириш борасидаги эзгу мақсадларимизни тўла рўёбга чиқаришдан иборат. Аммо уларни қуришдан олдин, тегишли ҳудуддаги аҳолининг талаб ва эҳтиёжлари ҳар томонлама таҳлил этилиши даркор. Айтайлик, қанча кекса, қанча хотин-қиз ва ёш бола бор, уларнинг қанчаси қандай тиббий кўмакка муҳтож – ҳаммаси пухта ўрганилиши шарт. Оилавий поликлиника фаолиятининг йўлга қўйилиши, жиҳозланиши, муайян ихтисосликлар бўйича шифокорларнинг ишга жалб этилиш жараёни ана шундай аниқ маълумотларга таянган ҳолда ҳал қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Бундай поликлиникаларда биринчи галда чақалоқлар, болалар ва оналар, ҳомиладор аёлларга, шунингдек, кексаларга тиббий хизмат кўрсатиш устувор мақсадга айланмоғи лозим. Яна бир муҳим жиҳат, оилавий поликлиника ходимлари беморни кутиб ўтирмасдан, аҳолининг доимий тиббий ёрдамга муҳтожлик даражасини мунтазам ўрганиб боришлари, профилактика ишларини изчил амалга оширишлари керак.

Ислом Каримов поликлиникадаги шарт-шароитлар билан танишар экан, тиббиёт ходимлари билан суҳбатлашди. Соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар шифокорларнинг касбий фаолиятига, шахсий ва оилавий ҳаётига қандай таъсир кўрсатаётгани билан қизиқди.

Яқинда ишга тушган «Мурувваттекс» корхонасида 270 нафар ишчи ишлайди. Унда турли трикотаж буюмлари, асосан, болалар кийим-кечаклари, кўйлаклар, майкалар тикилади. Корхонада замонавий жиҳозлар ўрнатилган.

– Илғор техника ва технологияларга асосланган, кишилар талабига тез мослаша оладиган бундай ихчам фабрикалар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозим, – деди Юртбошимиз. – Айни чоғда, бундай корхоналар, биринчи навбатда ўзининг кенг ва истиқболли бозорига эга бўлиши, ўз маҳсулотларига харидор топа билиши, камида бир-икки йиллик буюртмаси олдиндан маълум бўлиши керак. Шундагина корхона кутилган самарани бериши мумкин.

Президент Ислом Каримов пойтахтимизнинг Самарқанд дарвоза маҳалласида бунёд этилган 14-оилавий поликлиника фаолияти билан ҳам танишди.

Ҳомийлар маблағлари иштирокида қисқа муддатда қуриб фойдаланишга топширилган мазкур шифо маскани тўртта маҳалланинг йигирма беш минг кишилик аҳолисига хизмат қилади. Илгари аҳоли бир неча поликлиникага қатнашга мажбур эди. Янги оилавий поликлиникада эса турли мутахассислардан иборат ўттиз тўрт нафар малакали шифокор ҳамда олтмиш саккиз нафар ҳамшира кунига 250 кишига бирламчи тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Поликлиника тўла компьютерлаштирилган, бу ерда замонавий, юқори технологияли рақамли рентген, стоматология, ташхис анжомлари ва бошқа асбоб-ускуналар ўрнатилган. Ҳар бир оиланинг саломатлик паспорти яратилган. Унда хонадон аъзолари саломатлиги, уларни безовта қилаётган касалликларнинг олдини олиш борасида қилинаётган тадбирлар қайд этиб борилади. Айниқса, кексалар, болалар, ҳомиладор аёллар саломатлиги қатъий назоратга олинган.

Аҳолига интенсив тарзда бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида оилавий поликлиникада куну тун ишлаш тартиби жорий этилган.

Оилавий поликлиника ходимларини саломатлик посбонлари дейиш мумкин. Улар касалликларнинг олдини олишга сафарбар этилган фидойилардир, деди Юртбошимиз.

Президентимиз Самарқанд дарвоза маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда милиция таянч пунктининг янги биносини бориб кўрди. Маҳалла фаоллари билан самимий суҳбатлашди.

– Маҳалла – камдан-кам мамлакатда мавжуд бўлган ноёб идора, – деди Ислом Каримов. – Бу маскан миллий қадриятларимизни асраб-авайлашда, эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини мустаҳкамлашда, ёшларимизни комил инсонлар этиб тарбиялашда муҳим роль ўйнаб келмоқда.

Юртбошимиз "Мурувваттекс" корхонасининг Самарқанд дарвоза трикотаж фабрикаси фаолиятини ҳам кўздан кечирди.

Фабрикада тайёрланаётган маҳсулотлар ички бозор билан бир қаторда Германия, Австрия, Венгрия ва Голландия каби хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Корхонада 250 нафар киши, асосан, ёшлар меҳнат қилади.

Юртбошимиз корхона ишчилари билан мулоқотда бўлиб, улар учун яратилган шарт-шароитлар билан қизиқди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 14 йиллик байрами арафасида пойтахтимизнинг ҳалқа йўлида – Сергели тумани ҳудудидаги йирик чорраҳада 49 метр узунликдаги йўл ўтказгич барпо этилган эди. Ушбу мураккаб транспорт ечими билан боғлиқ яна бир хайрли иш амалга оширилди – йўл ўтказгич Катта ўзбек тракти билан боғланди.

Давлатимиз раҳбари мазкур йўл ўтказгич ва Эркин қўрғони оралиғида бунёд этилган 3,7 километрлик янги йўлни бориб кўрди.

– Тараққиётни белгиловчи омиллар кўп, лекин уларнинг энг муҳимларидан бири мукаммал коммуникация тизимини яратишдан бошланади, – деди Юртбошимиз. – Йўл эса коммуникациянинг асосини ташкил этади.

Маълумотларга кўра, истиқлол йилларида пойтахтимиз ва унга туташ ҳудудларда қурилган ва реконструкция қилинган йўллар, йўл ўтказгичлар, кўприкларнинг умумий ҳажми минг километрдан ошади.

Шу пайтга қадар мамлакатимизнинг жанубий ва шимолий вилоятларидан келаётган катта транспорт оқими Фарғона водийсига пойтахтимизнинг Халқлар дўстлиги кўчаси орқали йўл олар эди. Эндиликда бундай ортиқча ташвиш ва муаммоларга чек қўйилди. Янги йўл бош кентимиздаги экологик мувозанатни сақлаш ва транспорт қатновини янада яхшилашда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

– Биз Тошкентда кўпдан-кўп янги иморатлар, боғлар, хиёбонлар барпо этяпмиз, – деди давлатимиз раҳбари. – Агар автотранспорт ҳаракати билан боғлиқ мана шундай муаммоларни ҳал қилмаганимизда, амалга ошираётган ишларимиз бесамар кетиши мумкин эди. Қолаверса, замонавий ҳамда йирик шаҳарлар ўз хавфсизлигини таъминлаши керак. Таъмирлаш ва қурилиш ишлари ҳали давом этаётган Тошкент ҳалқа йўли айни ана шу вазифани ҳам бажаради.

Президентимиз мутасаддиларга бу борада амалга оширилаётган ишлар юзасидан тегишли кўрсатма ва тавсиялар берди.

Ғулом МИРЗАЕВ,
Норали ОЧИЛОВ,
Воҳид ЛУҚМОНОВ,
ЎзА мухбирлари.

Весенний призыв-2006

Встречай, граница, сынов столицы!

Ярослав КОРУКА олган сурат.

В традиционном перечне весенних праздников этот официально не значится. Однако от этого он отнюдь не теряет своей привлекательности и значимости для всего нашего общества. Напротив, первая отправка в войска новобранцев весеннего призыва – это всегда волнующее событие. Конечно, потом не менее торжественно и радостно проводят в ряды Вооруженных Сил и остальных призывников, но все же львиная доля всенародной любви и симпатии достанется «первым ласточкам», причем вполне справедливо.

Первым из призывников выпала честь пополнить ряды пограничных подразделений. Это логично, ведь во все времена охрану рубежей страны доверяли лучшим из лучших воинов. Отрадно, что среди посланцев Ташкентской области таких немало. Уроженец рабочего города Чирчика Дониер Раджаметов – один из них. В семье железнодорожника Махмуда-ака и Хуринисо-апа растут четверо парней, всегда готовых грудью встать на защиту родной земли. Старший, Бахтиер, уже выполнил свой воинский долг. Теперь пришел черед Дониера. А Гуломжон и Элер еще мечтают о тех днях, когда настанет их время становиться в ряды защитников Отечества.

(Окончание на 4-й стр.).

Миллий истиқлол мафкурасининг муҳим йўналишларидан бири бўлган, Президентимиз раҳнамолигида мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ эътибор қаратиб келинаётган соғлом, баркамол авлодни тарбиялашдек устувор мақсад, ният бугун ўз самарасини бераяпти.

Шу кунларда кўтаринки руҳда, юксак савияда давом этаётган иккинчи Умумармия ўйинлари ҳам ана шундайин устувор мақсаддан озиқланади. Ҳарбий спорчиларимиз рекордлар ўрнатишмоқда, янги-янги чемпионлар кашф этилмоқда. Умумармия ўйинларининг қандай кечаётгани ҳақида газетамизнинг 6-7- саҳифаларида танишасиз.

Муштарийларимизга

АМИР ТЕМУРГА МУНОСИБ БЎЛАЙЛИК!

Шу кунларда Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топганлигининг 670 йиллиги нишонланмоқда. Бизни ана шу қутлуғ санадан шунча йиллик масофа ажратиб турибди.

Амир Темур қудратли давлат қурган. Давлати қудратли бўлмаса, бетакрор маънавий мерос ҳам, обидалар ҳам, тарихий ёдгорликлар ҳам бўлмасди.

Амир Темур ўз давлатини ақл-заковат ва ҳуқуқий асос билан идора этган.

Ўзбекистоннинг бугунги озодлигини мустаҳкамлаш даврида Амир Темур биз учун буюк давлат асосчиси сифатида қадрлидир.

Юртбошимиз шундай таъкидлайди:

«Амир Темур шахсини идрок этиш – тарихни идрок этиш демакдир.

Амир Темурни англаш – ўзлигимизни англаш демакдир.

Амир Темурни улуғлаш – тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир».

Шуни фахр ва ифтихор билан айтишимиз керакки, жаҳондаги бошқа халқлар тарихида Амир Темурдек буюк шахс, серқирра фаолият соҳибини топиш мушкул. Биз улуғ зотга миллатдош бўлганимиз билан чин дилдан ғурурланамиз ва бу бизга буюк саркардага муносиб бўлиш масъулиятини ҳам юклайди.

Бугунги кунда, мустақиллик шарофати билан, давлатимиз раҳбарининг бевосита раҳнамолиги бонс Амир Темурга, унинг фаолиятига эътибор ҳар қачонгидан ҳам кучайди.

Озод юртни обод қилмоқчимизми – Амир Темурни эслайлик.

Мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаймоқчимизми – Амир Темурга мурожаат қилайлик.

Ватанимизни ёмон кўзлар, ёвуз кучлардан ҳимоя қилмоқчимизми – Амир Темурга муносиб бўлайлик.

ТАҲРИРИЯТ

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги

КУЧ – АДОЛАТДАДИР

«Кучсиз адолат ва адолатсиз куч – иккови ҳам даҳшат», – деб ёзган эди қадимги юнон донишманди Эсхил. Сўнгра у фикрини шундай давом эттиради: «Агар куч адолат билан бирлашса, бу ҳамкорликдан кучлироқ нима ҳам бўлиши мумкин?»

Ўтмишда қудратли салтанатлар ва ҳукмдорлар кўп ўтган. Бироқ буюк инсон сифатида ном қолдириш учун фақатгина куч-қудратнинг ўзи камлик қилади.

Тарихчи Иби Арабшоҳ Соҳибқироннинг Эронга биринчи юриши вақтида Шайх Зайниддин Абу Бакр Тайободий билан учрашувидан бир лавҳа келтиради: Темур шайх билан суҳбатда ундан сўради: «Эй, менинг сайидим, улуғ шайх. Нега сиз подшоҳларингиз жабр ва қайғу-ғазабига мойил бўлмай, адолат ва инсоф юзасидан иш тутишларини амр қилмайсиз?» – деди. «Биз уларга шу (нарса)-ни амр қилиб, бундан муқаддам андин изҳор этган эдик», – деди шайх, – «лекин улар бу амрга қулоқ тутмайдилар, шу туфайли улар устидан ҳукмни сенга топширдик». Ўша он Темур шайхнинг ҳузуридан чиқиб, қўшин олдида шундай деди: «Каъба эгаси номи билан қасам ичаманки, энди мен (бутун) дунёга эгалик қилдим». Соҳибқирон бобомизнинг ҳаёт шиори бўлган «рости-русти» (куч – адолатдадир) сўзлари ёзилган узукни унга Шайх Зайниддин Абу Бакр Тайободий ҳадя этган.

(Давоми 3-бетда).



Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз,
ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

ЙЎЛИНГ РАВОН БЎЛСИН «ДАМАС II»

Баҳор ўзининг таровати, танга роҳат бахш этувчи гўзаллиги билан бирга «ЎзДЭУ Авто» компаниясидан янгилик ҳам олиб келди. 1 мартдан бошлаб Дамас II русумли автомобиллар конвейердан чиқа бошлади. Келинг, шу ўринда «ЎзДЭУ Авто» нинг, демакки мустақил юртимиз автомобилсозлигининг босиб ўтган йўлига назар ташлайлик.

Юртимизда мустақиллик насимлари эса бошлаганига ҳали кўп бўлмаган бўлса-да, бир қанча соҳада, чунончи, автомобилсозликда ҳам илдам қадамлар ташланаётгани ҳаммамизга маълум. 1996 йилнинг август ойида Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан Жанубий Кореянинг «ДЭУ Моторс» компанияси-ла ҳамкорликда уч турда автомобиллар ишлаб чиқарила бошлади. Дейлик, бундан 20-25 йил олдин ўзбекнинг «тижинглаган тулпорлари» Андижоннинг Асака шаҳридан чиқади, деб ким ҳам ўйлабди дейсиз. Дарҳимиз автомобиллари МДҲ ва қатор Европа давлатларига экспорт қилинаётганлигини эшитиш барчамизга бирдек ёқимли.

(Давоми 10-бетда).

2 ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИДАН ДАРАКЛАР
МАҲОРАТДА ТОБЛАНАР ЎҒЛОН

4 АРМИЯ В МОЕЙ ЖИЗНИ
СЛУЖИ СТРАНЕ ВО БЛАГО!

6 ВТОРЫЕ ВСЕАРМЕЙСКИЕ ИГРЫ
СПЛАВ СКОРОСТИ И ВЫНОСЛИВОСТИ

8 ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ
ҲАФТА ГЎЗАЛИ

Халқимиз азалдан бунёдкор. Унинг покиза қўнглида яратувчанлик ишқи ҳукмрон бўлиб, меҳнатсеварлик ва фидойиликни, инсонийликни доимо юксак қадрлайди. Энг буюк орзумиз – озодлик тантанаси юртимиз узра баралла ҳукм сура бошлагач, ҳар жабҳада бўлгани каби Қуролли Кучларимизда ҳам миллий менталитетимизга мос тарзда кўплаб ижобий ўзгаришларга, эзгу ишларга, янгича анъаналарга асос солинди. Армия хизматининг остонаси саналган мудофаа ишлари бўлимларида чақирилувчиларни ҳарбий хизматга кўрик-танловлар асосида сифатли тарзда танлаб олиш ва тайёрлаш, байрамона кузатиш, кутиб олиш, хизмат туфайли қўлга киритиш мумкин бўлган имтиёзу имкониятлар, йўлга қўйилган янги режа ва тадбирлар ана шундай олға силжишлар ҳосиласи, таъбир жоиз бўлса, ижобий ўзгаришларнинг амалий ифодасидир. Амалга оширилаётган бу каби улкан ислоҳотларга юртбошимиз – Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримов шахсан бош-қош бўлмоқда.

Бунёдкорлик

ИСТИҚБОЛЛИ ОДИМЛАР

«...Эски, номақбул казарма муҳитига батамом барҳам бериш, муддатли ва контракт хизмати, офицерлик ҳамда қўмондонлик таркиби хизматларининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, ҳарбий хизматчиларнинг яшаш ва дам олишлари учун муносиб шароитларни таъминлайдиган янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш вақти келди...» деган эди давлатимиз раҳбари. Айтиш мумкинки, шу кунгача мазкур масалада ҳам бир қатор ишлар қилиниб, мақсад сари тобора ишонч ва собитлик билан қадам ташланяпти. Бугун Шарқий ҳарбий округ қўшинларида ортда қолган йилда амалга оширилиб, яна давом эттирилаётган бунёдкорлик ишлари, яъни ҳарбий хизматчиларнинг шароитларини яхшилаш борасидаги тадбирлар ҳақида сўз юритамиз.

Фарғона сўлим водий. Бу ерга ташриф буюрган ҳар бир меҳмон одамларнинг меҳмондўстлиги, хушмуомаласи ва жўмардлигига, соҳибкорлиги-ю, яратувчанлигига таҳсин ўқимай иложи йўқ. Ўзбек халқи, айниқса, водий аҳлига бу каби эзгу қадриятлар ота-боболаримиздан мерос бўлиб келмоқда. Фарғона гарнизонида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳам водий кўркига кўрк қўшиб турибди, десак хато бўлмайди. Мазкур гарнизондаги майор Лутфулла Бузруков хизмат қилаётган ҳарбий қисмда амалга оширилган янги бинолар қурилиши, шунингдек, эскиларининг чиройли таъмирланганлиги, посбонларга яратилган шарт-шароитлар ҳақида, келинг, яхшиси, батафсил ҳикоя қиламиз.

Қисм ҳудудида аскарлар чойхонаси ва офицерлар ошхонаси чиройли таъмирлангани, фотостудия, сартарошхона, пойафзал тузатиш хоналари шинам ва қулай тарзда барпо этилгани, спорт залининг янгитдан қуриб битказилгани, замонавий тренажёр воситалари билан таъминлангани киши кўзини қувонтиради. Ушбу қулайликларнинг ҳарбийларимизга манзур бўлаётганини шундан ҳам билиш мумкинки, бу ҳақда улар билан суҳбатлашганимизда, ўзлари ҳам тўлқинланиб, эътироф этдилар.

– Суратхона, сартарошхона ва пойафзал таъмирлаш устахонаси 2005 йил октябрь ойидан иш бошлади, – дейди Қуролли Кучлар хизматчиси сураткаш Жамшид Убайдуллаев. – Яратилган қулайликлар посбонларимизга жуда маъқул. Суратхонамиз уларнинг хизмат даври эсдаликларини тасвирларга муҳрлаб, маиший эҳтиёжларини қондириш учун сартарошхона ва пойафзал таъмирлаш устахонасидан бевосита қисмдан чиқмаёқ фойдаланишлари мумкин.

Унинг сўзларини шу жойда ҳозир бўлишган муддатли хизмат оддий аскарлари Муҳиддин Шарипов, Бекзод Маметқулов ва Акмал Тошматовлар ҳам қувватлаб, кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан мамнун эканликларини билдирдилар.

– Фақат аскарларгина эмас, ушбу қулайлик балки сержант ва офицерларга ҳам ғоят манзур бўлмоқда, – дейди шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Расулжон Тиллабоев. – Шарт-шароитларимизнинг борган сари яхшиланиб бориши бизга кўрсатилаётган эътибордан, ғамхўрликдан далолат. Бу ҳол ўз навбатида бизга маънан далда бериб, руҳимизни кўтармоқда. Хизмат вазифаларимизни муваффақият билан адо этиб, тобора олға силжишимизга омил бўлмоқда.

Аскарлар чойхонаси ва офицерлар учун ошхоналарнинг ажойиб тарзда таъмирлангани ҳам дилларни яшнатади. Дарвоқе, мазкур қисмдаги аскарлар чойхонаси Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисмлар ўртасида ўтказилган «Энг яхши аскар чойхонаси» танловда биринчи ўринни қўлга киритганини ҳам эслатиб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўларди. Зеро, чойхона бугун мижозларга жуда яхши хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, ташриф буюрувчи меҳмонлар ҳам бу ерда йўлга қўйилган шарт-шароитларни кўриб, хурсанд бўляптилар. Офицерлар ошхонасида Шокиржон Раҳматов бошлиқ тўртта қўли ширин пазанда ходимлар меҳнат қилишмоқда. Шарқий ҳарбий округ тегишли хизмати томонидан яхшигина таъмирлаб берилган ушбу ошхонани ҳам орасталиги ва қулайлиги жиҳатидан унча-мунча замонавий қаҳвахоналардан қолишмаслиги кўриниб турибди.

Худди шундай янги барпо этилган бинолардан навбатдагиси сифатида жисмоний машғулотлар залини айтиб ўтиш мумкин. У ерга борганимизда, кичик сержант Авазбек Эрматовнинг ёш аскарлар билан машғулот ўтказаётганига дуч келдик. Муддатли хизмат оддий аскарлари – Азиз Чоршанбиев, Ҳамид Алимов, Ҳазрат Раҳмонқулов, Хуршид Муродов ва Рашид Абдуллаевлар спорт залида жисмоний маҳоратларини ошириб, мускулларини тоблаш билан шуғулланишар эди. Йигитларнинг машғулотга чанқоқлик билан ёндашишларини кўриб, саралар ичра сара ўғлонлар, дедим беихтиёр. Шинам ва қулай хоналарда замонавий спорт воситалари билан шуғулланиш эса баҳри-дилингни очиб, кишини яйраб машқ қилишга ундайди. Умуман, округдаги бунёдкорлик ишларини бошқаларга ўрнак бўларли даражада, деб бемалол айтишимиз мумкин. Ушбу мақолада Фарғона гарнизонининг биргина қисми мисолида сўз юритдик. Келгуси сонларимизда мавзуга яна қайтиб, бошқа гарнизонлардаги худди шундай эзгу тадбирлар ҳақида ҳам маълумотлар беришни режалаштирганмиз.

Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Комолиддин ТЎРАЕВ олган суратлар.

Сенинг қаҳрамонларинг, Ўзбекистон!

САРЛОЧИНЛИК ҒУРУРИ, ФАХРИ

Варрагини учираётган боланинг шодлигини, қувончини ҳеч кузатганмисиз? Гўё у шамолга қасдма-қасд югураётгандек. Варраги шамолдан-да тез, қушлардан-да баланд учса. Билсангиз варраги унинг орзуларидан яралган. Болаликка хос ва мос беғубор, юксак-юксак орзуларидан. Ҳа, орзулари қанотларида баландлик, кўкка парвоз, булардан завқу шавқ туйиш бор. Лавҳамиз қаҳрамони майор Музаффар Машариповнинг болалиги ҳам ана шундай лаҳзаларга бой бўлган. Бундайин пайтларда кўнглида «учувчи бўламан, космонавт бўламан», деган орзу ҳам пайдо бўлгани шубҳасиз. Шуниси билан беғубор-да, болалик.

Офицер М.Машарипов Қуролли Кучларимизнинг 14 йиллик тўйида Президентимизнинг Фармонига кўра «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Келинг, юксак давлат мукофотига сазовор бўлган бу ҳарбийнинг ҳаётига, фаолиятига бироз назар ташлайлик.

Ўтган йил кузда ҳамкорликда халқаро ўқув машғулотлари ўтказилди. Машғулотлар, уларга тайёргарлик жараёнида иштирок этганман. Полигонда юрганимда ҳарбий журналист ҳамкасбларимдан бири мени майор Машарипов билан таништирганди. Аниқроғи, машғулотларга тайёргарлик жараёнида. «Тайёргарликлар қандай, машғулот иштирокчиларини ҳаводан қўллаб-қувватлашга шаймисизлар?» қабилидаги саволимга у «Буни вақт кўрсатади. Осмонимиз сарлочинлари ҳамиша ҳаво сарҳадларимиз ҳимояси йўлида камарбаста», деганча аниқ, лўнда жавоб берди. Мен офицернинг бу жавобида қатъиятни, шижоатни, ўзига ишончни ҳам ҳис қилгандек бўлдим.

...Иккинчи ўқув нуқтасидамиз. Шартли равишда олинган халқаро террорчилар ўқув нуқтаси жойлашган дара орқали шерикларга мадад кучларини олиб боришмоқда. Уларнинг йўлига тўғаноқ бўлиш, шартли душман гуруҳини бартараф этиш лозим. Пиёда қўшинларимиз қулай марраларга жойлашиб олишган. Шунда сарлочинларимиз дастлаб «жанг»ни бошлаб беришди. Ҳаводан бўлган ҳужум шартли душманни парокканда қилди. Уларнинг тартибсиз хаттиҳаракат қилишига олиб келди. Ана шунда қулай марраларга жойлашиб олишган посбонларимиз ҳужумга ўтишди. Хуллас, ҳарбийларимизнинг ҳавода ва ердаги ўзаро ҳамкорликлари ўз самарасини бериб, машғулот муваффақиятини таъминлади. Ҳа, мазкур ўқув нуқтасида посбонларни авиациянинг, аниқроғи, жанговар вертолётларнинг қўллаб-қувватлагани, шартли равишдаги террорчиларга ҳаводан туриб зарбалар берилгани машқлар муваффақиятини таъминлади. Бу борада майор Музаффар Машарипов шундай деганди:

– Ўзларингиз кузатиб, гувоҳи бўлдингиз. Иккинчи ўқув нуқтасидаги машқлар вертолётларнинг ҳаводан туриб душманга зарба бериши билан бошланди. Ҳаво лочинларимиз нишонларга бехато отишди. Бу ўринда истиқлолимиз меваси бўлган Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртининг битирувчиси майор Машарипов, катта лейтенант Тўлқин Норматовнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим.

Майор Машарипов ўзи, машғулотдаги иштироки ҳақида камтарлик қилиб, ҳеч нима демади. Аслида ўқув объектларини, нишонларни тайёрлаш, парвозлар жараёнини бошқаришдек масъулият ўзининг зиммасида эди. Буни эплади, дейиш ҳам гапми, қойилмақом қилиб бажарди.

Бу қаҳрамоним ҳақида илк тасаввурларим эди. Давлат мукофотини олганидан кейин у билан яқиндан танишдим. Турмуш ўртоғи Сурайёхон билан ҳам суҳбатлашдик. «Медалнинг тенг ярми сизникидир», дейман унга ҳазиллашиб. «Бемалол ҳаммаси деяверинг. Биз бурчимизни оғишмай бажаришимиз учун оилавий барқарорликни таъмин этадиганлар, демакки кўнглимизни тўқ қиладиганлар шулар-да», дейди майор Музаффар Машарипов. Бу самимий гаплар замирида меҳрни, ўзаро муҳаббатни туйдим. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас-да. Бурчига, Ватанига муҳаббатли инсон табиийки оиласига ҳам муҳаббат қўяди-да. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, бу аҳил оиланинг Озода ва Шоҳруҳ исмли фарзанди бор.

Хоразмлик Рўзмат оға ва Лазокат аялар ҳарбийликни танлаган фарзандининг камолидан боши осмон. «Мардлар касбини танладингми, элингга, юртингга ҳалол хизмат қил», дея тайинлашади, дуо қилишади, улар.

Майор Музаффар Машарипов билан суҳбатлашдим, қалбига қулоқ тутишга ҳаракат қилдим. Бир нарсани англаб етдимки, уни миллий армиямизда хизмат қилишдек ғурур, фахр бошқаряпти. Унинг бахти ҳам, қувончу шодлиги ҳам ана шунда.

Майор Сафар АЛИЕВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

МАҲОРАТДА ТОБЛАНАР ЎҒЛОН

Юртбошимиз Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида ислоҳ этилаётган Қуролли Кучларимиз олдида турган навбатдаги вазифаларни белгилаб берар экан, шундай деган эди:

«...минтақамизда содир бўлган ва рўй бераётган воқеалар, уларнинг қайси йўналишда ривожланиб бораётганини инобатга олиш, хавфсизлигимизга раҳна солиши мумкин бўлган замонавий хатар ва таҳдидларни сезгирлик билан баҳолаш, мустақиллигимизга, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлиги, одамларимизнинг осуда ҳаётига қарши қаратилган ҳар қандай тажовузларни бартараф этишга қодир Қуролли Кучларимизнинг стратегия ва тактикасини такомиллаштириш...»

Бундан эса жанговар қобилияти оширилган, стратегия ва тактикаси такомиллаштирилган қўшинларнинг вазифани уддалаш самарадорлиги ҳам ортиб, осойишталигимиз гарови мустаҳкамроқ кафолатланишидек устувор мақсад кўзлангани барчага аён. Шу боис бугун профессионал асосга ўтаётган миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган посбонларимизнинг ҳар томонлама тайёргарлик даражасини мустаҳкамлашаётгани, маҳорати ҳамда тажрибасини бойитаётгани юқоридаги даъватнинг амалдаги ижроси сифатида кўринади. Норғул ўғлонларнинг машғулотларни ўташ жараёнларини кузатган ҳар қандай киши уларнинг жасорат ва матонатига таҳсин ўқимай, ғайрат-шижоатидан илҳомланмай иложи йўқ. Биз бўлинма посбонларининг тоғ тайёргарлиги машғулотларида бўлиб, жасур йигитларимизнинг ушбу йўналишдаги сабоқларни пухта ўзлаштираётганига гувоҳ бўлганимизда, бунга яна бир бор амин бўлдик.

Айтиб ўтиш керакки, тоғ тайёргарлиги посбондан жуда катта масъулият, тезкорлик, ҳушёрлик ва матонат намуналарини талаб қилади. Бунда асосий эътибор арқоннинг мустаҳкам ўрнатилгани, хавфсизлик қоидаларининг тўла бажарилиши, қайиш-тасмаларнинг тўғри, қулай ва хатосиз тақилганлиги, асосий ва хавфсизлик арқонининг пишиқ-пухталиги ҳамда яроқлилигига қаратилиши, хуллас, ҳар бир восита – ҳатто қўлқопларгача пухта кўздан кечирилиши керак. Арқон кам пайтларда эса биргина арқондан фойдаланиб, кўзланган нуқтага тушиш ёки кўтарилиш мумкин. Бунда битта арқон ҳам ҳаракатланиш, ҳам тўхташ воситасини бажаради.

...Посбонлар керакли нуқтага етишгач, капитан Дилшод Толиповнинг буйруғи билан взвод тўхтади ва тезда тўла жанговар тартибга келтирилди. Командир тезкорлик билан қўл остидагиларга зарур топшириқларни бераркан, посбонлар вазифани адо этишга киришиб кетдилар. Кузатувчи ўз ўрнини эгаллади. Шартли душман ҳужум қилиб келиши мумкин бўлган ҳудудга шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Мансур Икматуллаев портловчи мина ўрнатишга киришганда, уни яна бир посбон Асқар Абдуқодиров қўриқлаб турди. Гуруҳ командири катта лейтенант Акмал Султонов боғланган арқонларнинг мустаҳкамлигини яна бир бор кўздан кечиргач, посбонлар пастликка осилиб тушаётганларида қўққисдан ҳужум қилиб қолиши мумкин бўлган душман хавфини бартараф этиш учун кичик сержантлар – Умид Матякубов билан Сирожиддин Собировларни қўриқчиликка тайинлади ва тегишли вазифаларни тушунтирди. Улар ўзларига топширилган вазифани тезкорлик билан пухта адо этишга киришгач, баландликдан арқон воситасида осилиб тушиш машқлари бошланди. Посбонлар аввал орқа билан, кейин эса олдинга қараган ҳолда осилиб тушиш машқини адо этдилар. Шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар – Бахтиёров, Ғойибназаров ва Митаровлар бунда жуда яхши намуна кўрсатишди. Тажриба, маҳорат иш берди. Уларнинг дадил ва ўзларига ишонч билан ҳаракатланишидан мазкур тайёргарликнинг ҳадисини пухта эгаллашгани, машғулотларга чин дилдан ихлос қўйиб, юракдан ёндашишганларини илғаб олиш қийин эмасди. Гарчи машғулот кўнгилдагидек якунланган бўлса-да, тайёргарликни янада мустаҳкамлаш мақсадида жараён бир неча марта қайтарилди.

– Жангчилар жисмонан бақувват, маънан ҳам етук ўғлонлар, – дейди капитан Дилшод Толипов. – Ҳар бири илғорликка интилади. Тинимсиз изланиш ва қайта-қайта машқ қилиш жангчини тоблайди. Тажриба ва маҳорат ошади. Умуман, йигитлар нимага интилаётганини яхши биладилар. Зеро, машаққатли тайёргарликлар замирида Ватанимиз озодлигини асраш, халқимиз осойишталигини таъминлашдек буюк мақсад мужассам. Буни ҳар бир сафдошим юракдан ҳис этади. Юрт ҳимояси ишончли қўлларда, деб баралла айта оламиз.

Катта лейтенант Шоҳруҳ ҲАКИМОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ олган суратлар.

Бдительность – наше оружие

ВЫСТРЕЛ В НОЧИ

Рядовой Улугбек Ашуров призван в ряды Вооруженных Сил в апреле прошлого года из Узунского района Сурхандарьинской области. Заканчивает службу он пулеметчиком в мотострелковом взводе. Не так давно перед строем сослуживцев бдительному воину командиром части была объявлена благодарность.

Темной мартовской ночью часовой рядовой Улугбек Ашуров мерно вышагивал по указанному маршруту. Нес службу бодро, ничем не отвлекаясь. Время приближалось к полуночи, когда промелькнула незнакомая фигура. На окрик: «Стой, назад!» – незнакомец не отреагировал. Доложив о происшедшем начальнику караула, часовой продолжал выполнять боевую задачу, строго руководствуясь положениями Устава гарнизонной и караульной служб. Видя явное невыполнение предыдущей команды, Улугбек скомандовал: «Стой! Стрелять буду». Очевидно, нарушитель не поверил в серьезность и этого предупреждения, он спокойно продолжил движение в направлении охраняемого объекта. Однако только предупредительный выстрел вверх заставил непрошеного гостя тут же испуганно прижаться к земле.

Звук выстрела потревожил ночную тишину. Дежурный по парку младший сержант Камолиддин Бобокулов с дневальным по парку тут же приняли меры к усилению внешней части охраняемого объекта. На пост своевременно прибыли и начальник караула с караульными...

На дежурной машине «ночной гость» был доставлен в местное отделение милиции, где были приняты соответствующие меры.

В наше неспокойное время, когда представители сил международного терроризма уже не раз предпринимали попытки проникновения на охраняемые территории воинских частей для захвата оружия, только такие четкие, уверенные и решительные действия лиц караула могут предотвратить беду. По словам лейтенанта Зиеда Хакимова, который и был в ту ночь начальником караула, рядовой У.Ашуров относится к категории именно таких воинов, преданных долгу и Военной присяге.

Выстрел в ночи стал еще одним наглядным уроком и напоминанием о необходимости поддержания высокой бдительности и боевой настороженности. Это свидетельство того, что охрана и оборона военных объектов и мирная жизнь наших сограждан находятся под надежной защитой военнослужащих Родины.

Майор Алишер НУРЛАНОВ.
Фото Александра МРУЧАКА.

ХИЗМАТДАН ҚАДР ТОПИБ

Маъруфни бу мардлар касбига ёшлигида қўшниси офицер Мансуржон Мамадалиев қизиқтирган. Ўшанда у қизиқувчан, тиришқоқ болакайга доимо ҳарбийлар ҳаёти ҳақидаги қизиқарли воқеаларни ҳикоя қилиб берарди. Одатдаги куплариниг бирида Маъруф қўшнисининг фуражкасини бошига кияркан, «Мен нима қилсам, сизга ўхшаб ҳарбий бўламан», деди. Шунда офицер йигитчадан ўзининг маслаҳатини аямади:

– Ҳарбий бўлишни истаган ҳар бир йигит аввало ҳар томонлама бошқалардан устун эканлигини кўрсата билиши керак. Бундан ташқари, юрт корига камарбаста ўғлон Ватан, бурч каби олий туйғуларни ўзгалардан кўра теранроқ англайди. Чунки мазкур масъулиятли, аммо айни пайтда эр йигитлар учун шарафли ҳисобланган касбда қалби, бутун борлиғини бағишлаган инсонларгина қадр топа олади, деганди.

Бу сўзлар Маъруфнинг ҳарбийликда ўз ўрнини яратишига, фидойиларча хизмат қилишига замин бўлди. У илк устозининг бу каби маслаҳатини ҳануз эслайди.

– Ҳарбийликнинг айнан машаққатлари билан завқли эканлигини 1998 йилда десантчилар қисмида муддатли хизматни ўтаган чоғимда англадим, – дейди йигит. – Боиси, «ҳаёт мактаби» деб аталмиш армия сафида жисмонан чиниқиш баробарида, иродамни тобладим, ҳаётга теран нигоҳ-ла боқишни ўргандим.

Кичик сержант Маъруф Жўраев 2002 йилдан буён шартнома бўйича хизматда. Ортда қолган бу йиллар инсоннинг меҳр қўйган соҳасида ўзини тўла намоён этиши учун етарли. Шу маънода кичик сержант учун ортда қолган йиллар анча салмоқли кечди. У тўрт йил ичида унча-мунча қийинчиликларни писанд этмай, тинимсиз маҳоратини ошириш баробарида янада тобланди, дейиш мумкин. Чунки ўқув машғулотларида фаол иштирок этиб, ҳарб илмини мукаммал ўрганди. Ҳозир кичик командир Жўраев ҳарбий қисмда энг илғор шунқорлардан ҳисобланади. У гуруҳ командирининг ўринбосари вазифасида. Лавҳамиз қаҳрамони ҳақида тарбиячи офицер Ҳамза Давронов шундай дейди:

– Ҳарбий қисмда ҳар бир посбоннинг ўз ўрни бор. Уларнинг ўзаро аҳил ва уюшқоқликлари жанговар ўқув машқларида энг яхши натижаларни кўрсатишимизга сабаб бўлмоқда. Бошқаларни камситмаган ҳолда айтишим мумкинки, кичик сержант Маъруф Жўраевнинг хизмати алоҳида таҳсинга лойиқ. Профессионал асосда шаклланаётган армиямизда кичик командирдан талаб этиладиган барча сифатларни айнан бу посбонда кўришимиз мумкин.

Маъруф рафиқаси Саида билан икки фарзандни камолга етказишаяпти. Оиланинг ўғил фарзанди Мухторжон ёш бўлишига қарамай, дадасига ўхшаб ҳарбий бўлишни хоҳлайди. Шу боисдан бўлса керак дадаси ишдан келиши биланоқ унинг фуражкасини кийиб, «Энди ҳарбий бўлдимми?» – дейди бийрон тилда. Бу эса ҳаммадан ҳам кўпроқ оила бошлиғини қувонтиради.

Комилжон ҲАСАНОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

9 АПРЕЛЬ – СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

КУЧ – АДОЛАТДАДИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Инсоният тарихидаги жуда кўп донишмандлар орзу қилган куч ва адолат бирлиги 1370 йилда Термиз яқинидаги Бий мавзеида содир бўлган эди. Ўзининг фавқулодда салоҳияти ва ғалабалари билан бутун Мовароуннаҳрга танилган 34 ёшли Амир Темур ва маккалик улуғ шайх, ер юзи сайидларининг пешвоси 55 ёшли Саййид Барака юзмаюз келдилар. Тариҳчилар бу улуғ учрашувнинг «ҳеч қандай ваъда ва олдиндан келишувсиз кутилмаганда» юз берганлигини айтиб, уни тақдири азал томонидан белгиланган учрашув, дея таърифлайдилар. Зеро, бу ерда куч-қудрат рамзи Амир Темур ҳамда адолат ва руҳият тимсоли Саййид Барака қовушдилар. Оламшумул вазифани амалга ошириш учун куч-қудратга мос келадиган, уни буюк ишларга йўналтирадиган руҳият-маънавият шу тариқа бирлашдилар. Соҳибқирон пирларининг асосий талаби – адолат эди.

Энди, адолатнинг мазмун-моҳияти тўғрисида чуқурроқ фикр юритсак.

Адолат – одамлар учун фоний дунёга мазмун берувчи хилқатдир. Инсоннинг қуввати, гуруҳ ёки жамоанинг бирлиги ва ниҳоят, давлат ва жамиятнинг куч-қудрати ҳам адолат туфайлидир. Зеро, инсоният донишмандлари адолат йўқ жойда кишилар ҳаёти қадр-қимматини ушлаб турадиган ҳеч нима қолмайди, дея якдил таъкидлайдилар. Адолат бор ердагина мурувват, муроса, шафқат каби тушунчалар қарор топади. Одамзод қай маҳал ва мавқеда бўлишидан қатъи назар, адолатсиз яшаши мушкул. Негаки, инсон фаолиятининг қайси бир бўлагини олиб қараманг, у адолатга, тўғриликка асосланмаса, мувозанат йўқолади, бузилишлар бошланади, издан чиқади. Юртбошимиз Ислом Каримов айтганларидек, «Халқ очликка, қийинчиликка, ҳамма нарсага чидаши мумкин. Фақат адолатсизликка чидамайди». Адолатсизликнинг катта-кичиги бўлмайди. Кичкинагина адолатсизлик ҳам вақти келиб, бутун жамиятга акс-садо бериши тайин. «Яхшиликни очиқ чеҳрали кишилардан кутинглар», дейилади муборак ҳадисда. Адолат ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин: нафрат, ғазабга тўлган одамнинг адолат қилиши қийин. Адолатпарвар одамнинг ахлоқий хислатлари эса, бемалол қонун ўрнини боса олади. Дарвоқе, қонун – қонун бўлганлиги учун эмас, балки унда адолат акс этганлиги учунгина қимматлидир.

«Фақат инсонни севиш орқалигина адолатпарвар бўлиш мумкин», деб ёзади фаранг файласуфи. Бу ҳикмат худди Амир Темур ҳақида айтилгандек. Соҳибқироннинг жаннатмакон, муаззам боғлари бутун халқ учун очиқ ва барча эркин кирибчиқиши, меваларидан баҳраманд бўлиши мумкин эди. Бу, ҳукмдорнинг барча фуқароларини бирдек севишидан, иззатлашидан дарак эмасми?! Муаррих, Соҳибқироннинг ана шундай инсонпарварлик хислатларини ҳавас билан тасвирлар экан, унга «Халқ отаси», дея жуда ўринли таъриф беради. Севимли ота эса барча фарзандларини бирдек кўради. Масалага холис ёндашиб, тан олиш керакки, бундай инсонпарвар ҳукмдорлар кўҳна тарих бисотида камдан-кам топилади.

Буюк француз файласуфи Блез Паскалнинг куч ва адолатга берган таърифига эътибор қилинг:

«Адолат ва куч. Адолатга бўйсуниш адолатли, кучлига бўйсунмаслик мумкин эмас. Кучга таянмаган адолат – заиф, адолатга таянмаган куч зўравонликдир. Кучсиз адолатга доимо қаршилик қиладилар (чунки ёмон одамлар ҳамма вақт ҳам бўлади), адолатсиз кучдан норози бўладилар. Демак, кучни адолат билан бирлаштириш лозим, яъни ё адолатни кучли қилиш керак, ё кучни – адолатли.

Адолатни осонлик билан рад қилса бўлади, кучни рад қилиб бўлмайди, чунки у қаршингизда ошкор турибди. Шунинг учун адолат кучли бўлолмади – куч адолатни тан олмаяпти, зўрликнинг ўзи адолатдир, деб уқтирмоқда. Шунинг учун адолатни кучли этолмаган одамлар, зўрликни адолатли деб ҳисоблай бошладилар».

Демак, «Куч – адолатдадир». Буюк бобокалонимиз: «Бир кунлик адолат, юз кунлик тоат-ибодатдан афзал», дея ўз шиорига садоқатини намойиш этган. Амир Темур адолат тамойилларини бузганлиги учун юқори лавозимдаги мансабдорлар, ҳатто ўзининг энг яқин қариндошлари ва фарзандларини ҳам жазолашга буюрган. Зеро, «Одамлар адолатни севишлари учун уларга адолатсизлик оқибатларини кўрсатиб турмоқ зарур». Рюи Гонзалес де Клавихо, Амир Темурнинг 1404 йил 9 октябрь куни ўз мансабини суиистеъмол қилиб, давлатга хиёнат қилган вазир Ҳожи Муҳаммад Довудни халқ кўзи олдида жазолагани ҳақида гувоҳлик бериб шундай ёзади: «У (Ҳожи Муҳаммад Довуд, – Б.Ҳ.) Самарқанд империясида энг катта одам эди. Темур бундан олти йилу ўн бир ой аввал уни «алькальд» (вазир) этиб кетган эди. У бўлса шу вақт ичида мансабини суиистеъмол қилди».

«Жазо бермаслик – жиноятга катта рағбатдир». Бу ҳам кўҳна тарихда неча-неча марталаб исботланган ҳикмат. Амир Темур қўллаган жазолар шафқатсиз, аммо адолатли эди. Соҳибқирон ўзининг маънавий устози – Абу Бакр Тойободий нома орқали йўллаган ушбу ўгитларга доимо содиқ эди: «Худонинг мулкида адолат ила иш тутгилким, шундай демишдирлар: «Мамлакат куфр билан туриши мумкин, лекин зулм бор ерда туролмайди».

Адолат – миллати, дини ва ирқидан қатъи назар, Одам фарзандларининг бариси учун қимматлидир. Америка Қўшма Штатларига борган бир ҳамюртимиз, штат губернаторининг кабинетига кирса, инглиз тилидаги: «Куч – адолатдадир», деган ёзувни кўради. Ҳамюртимиз ҳаяжонланиб, бу шиорни қаердан олганлигини сўрайди. Губернатор, бу кимнинг гапи эканлигини билмадим, менга қадар ҳам шу ёзув бор эди. Менга-да шу гап ёқади, жуда кучли фикр, шундай эмасми, – деб жавоб беради. Шунда ҳамюртимиз ғурур билан: «Бу бизнинг Амир Темур бобомизнинг гапи», – дейди...

Ҳа, адолат – юракларга малҳам, келажакка ишонч демакдир. Адолат фақат шиорларда эмас, амалда бўлсагина улуғ натижалар намоён бўлади. Не бахтки, бугун буюк саркарда, давлат арбоби, маърифатпарвар бобокалонимизнинг «Куч – адолатда» деган улуғ шиорини баланд тутганмиз. У албатта, бизни нурли манзилларга, буюк келажакка элтгусидир.

Капитан
Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.

ВОЕННОЕ ИСКУССТВО САХИБКИРАНА

Воздавая дань уважения великому человеку, выдающемуся государственному деятелю и прославленному полководцу, автору знаменитого «Уложения», со страниц которого и сегодня бьют ключом высокоинтеллектуальные мысли, идеи, мы с гордостью произносим имя Сахибкирана.

Уникальность и сила Амира Темура состояли в том, что он воплощал в себе тяжкий труд руководителя государства и талант выдающегося полководца, снискавшего себе всемирную славу непобедимого. Для нас, людей военных, это особенно важно, потому что он внес значительный вклад во всемирную историю военного искусства, в вопросы военной стратегии и тактики.

Амир Темур был разносторонне образованным человеком. В его «Уложении» встречаются такие фразы: «Я расспрашивал ученых, чтобы знать...», «Я изучал...», «Я старался...». Его постоянно одолевала жажда знаний, он хотел знать как можно больше и основательнее и потому с ранних лет **«оказывал почтение потомкам Пророка, ученым, богословам, философам и историкам».**

О высокой образованности Амира Темура говорит и тот факт, что среди его духовных наставников всегда были выдающиеся по тому времени личности – Шамсуддин Кулол, Сайид Амир Кулол, шейх Береке родом из Мекки. Он в 1370 году прибыл к Темуру. Вручив барабан и знамя (символ власти), предсказал ему великое будущее. С 1381 года наставником Амира Темура становится известный на Востоке шейх-мудрец Абу-Бакр. В одной из своих записок он наставлял Сахибкирана: «Государь, не имеющий ни плана, ни рассудительности, похож на безумца, все слова и действия которого суть только заблуждение и беспорядочность и порождают лишь стыд и угрызения совести. Для тебя же будет гораздо лучше вести все дела твоего управления с осторожностью, чтобы избежать в будущем раскаяния и бесплодных сожалений».

Позднее Амир Темур признавал, что это письмо стало руководством для его поступков. **«...Оно убедило меня в том, что совет, благоразумие, обдуманность вдесятеро полезнее в политике, чем сила оружия».**

Амир Темур обладал и обширными военными знаниями. Его деятельность в области военной стратегии, оперативного искусства и тактики была подтверждена блестящими победами. Чтобы подтвердить этот вывод, выделим основные составляющие военного искусства и военной стратегии Амира Темура.

Во-первых, Амир Темур ориентировался **на профессиональную армию.** И вполне естественно, что основу, костяк армии Сахибкирана составляли профессионалы военного дела. Это относится прежде всего к командному составу, к которому полководец предъявлял очень высокие требования. **«Чтобы быть способным к исполнению обязанностей Амира или командующего, необходимо знать тайны военного искусства и средства разбивать неприятельские колонны, не терять присутствия духа в момент действия, не останавливаться ни перед какими трудностями»**, –писал он.

Его опытные всадники метко стреляли из лука, в совершенстве владели приемами вольтижировки и, если было нужно, спешивались и стойко держали оборону. Высоким профессионализмом отличались и пехотинцы. Из лучших воинов-профессионалов, имеющих богатый боевой опыт, выдвигались все командиры – от унбаши до мингбаши.

Во-вторых, Амир Темур творчески подходил к вопросам **организации и структуры войск, способам их применения.** Боевой порядок зависел от характера сражения, масштабов участвующих в нем войск и построения боевых порядков противника, но всегда предусматривал центр, левое и правое крыло, авангард и резерв, как правило, состоящий из отборных полков. При этом каждая войсковая единица имела свое четкое предназначение.

Заслуживает внимания и тот факт, что в целях усиления к вопросам организованности, дисциплины и повышения престижа армии **Амир Темур ввел воинские звания, войсковые отличия и знамена,** сыгравшие свою положительную роль в его походах и сражениях.

В отличие от своих исторических предшественников, он видел дальше их и в оперативно-тактическом плане. Сделав упор на усиление флангов, отличавшихся особой подвижностью и стремительностью, он значительно повысил их роль в достижении победы. Впервые в мировой практике он применил особый боевой порядок из семи корпусов (некоторые исследователи называют его «строй птицы»), который своими могучими крыльями (фланговыми ударами) раздавил не одну армию противника.

В-третьих, стратегия и тактика Амира Темура носили **решительный характер.** Это определялось освободительными и объединительными целями борьбы против монгольских ханов. Стратегическую основу этой борьбы составляли активные наступательные действия и глубокое знание форм и способов ведения боя или сражения.

Говоря о военном искусстве Амира Темура, нельзя не отметить, что он своим умелым руководством добился **слаженного тактического взаимодействия всех родов войск и всех составляющих частей боевого порядка.** А свою боевую конницу он превратил в основное ударное средство разгрома противника. Мы свято чтим заветы великого предка. Усилиями Президента, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами И.Каримова **«обеспечивается тесное взаимодействие и эффективная система управления всех видов и родов войск, совершенствуется интегрированная система обеспечения военной безопасности страны, что дает возможность обеспечить необходимый уровень обороноспособности государства при ощутимой экономии материальных и финансовых средств».** Это один из важнейших результатов военной реформы, проводимой в Вооруженных Силах страны.

В-четвертых, одна из характерных особенностей военного искусства состоит в том, что Амир Темур **в военной стратегии и тактике придерживался определенных принципов** – активное наращивание силы удара, применение искусного маневра, сопряженного с хитростью, эффективное использование резерва. Следует особо подчеркнуть, что Сахибкиран **был мастером марш-маневра,** который не раз спасал его от поражения и приносил победы. Вырабатывая высокие качества своих войск – конницы, пехоты, артиллерии – и камнеметных, стенобитных, огнестрельных орудий, Амир Темур постоянно обращал внимание командиров всех степеней **на подготовку к марш-маневру, на мобильность и подвижность войск в ходе маневра, на выбор места сражения, на овладение каждым командиром высоким искусством побеждать.**

Закладывая фундамент подготовки высших командных кадров – открывая Академию Вооруженных Сил, Президент И.А.Каримов говорил: **«В подготовке высших офицеров должны быть учтены особенности Центральноазиатского региона. Нельзя оставлять без внимания и достижения минувших веков. Мы должны помнить и никогда не забывать, что полководческий талант и военная стратегия нашего предка Амира Темура на протяжении многих веков служили образцом для держав Востока и Запада».**

В-пятых, весь исторический опыт государственной и военной деятельности Амира Темура подтверждает вывод о том, что **он был выдающимся практиком военного дела и умелым организатором.** В основу четкого функционирования своей многочисленной армии им был положен **принцип централизации,** суть которого состоит в том, что все части его военного организма были подчинены единому командованию. **«Все эмиры были подчинены главнокомандующему и строго несли каждый свою обязанность, не обременяя ею другого».**

Амир Темур очень ценил в своих подчиненных высокие боевые, психологические и нравственные качества и прежде всего верность воинскому долгу. Централизация требовала крепкой воинской дисциплины и безусловной исполнительности. Сахибкиран писал: **«Я предлагал исполнять мои приказания с самой строгой точностью».** Но эта, на первый взгляд, демократическая постановка вопроса, высказанная в форме предложения, предусматривала строжайшую ответственность. **«Начальник или простой офицер, дерзнувший уклониться или нарушить мои приказания, подвергались казни».**

Военное наследие Сахибкирана огромно, а его заветы мудры и, как никогда, современны. Он завещал нам быть справедливыми во всех своих делах, строжайше блюсти законы, крепить мир и согласие в обществе. Он настоятельно рекомендовал нам в своей практической деятельности опираться на накопленный ранее опыт – исторический опыт предков, опыт людей мудрых, опыт профессионалов. Он завещал нам святую любовь к Родине, необходимость блюсти высокое и благородное чувство долга, верности родной земле и делу, которому ты служишь. Он наставлял нас быть настойчивыми в достижении поставленных целей, умело доводить начатое дело до конца.

Анфим ХЛЫЗОВ.

МУБОРАК САНАГА БАҒИШЛАБ

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Темурийлар тарихи давлат музейидамиз. Зиёратчилар кети узилмайди. Айниқса Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг таваллуд куни олдидан музейга ташриф буюрувчилар сони янада кўпайган бўлса ажабмас. Тўй устига тўйлар бўлсин, деганларидек, буюк бобокалонимиз таваллудининг 670 йиллик тўйи, ушбу музей ташкил топганлигининг 10 йиллиги билан қўшалоқ байрам сифатида нишонланмоқда. Бу ҳақда бизга музейнинг илмий котиби Саодатхон Саидхонова қуйидагиларни сўзлаб берди.

– Ҳозирда музей жамоаси олдида турган асосий вазифа Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллигини муносиб нишонлаш. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Халқаро Амир Темур жамғармаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Ушбу тантанали тадбир Амир Темур хиёбонида бошланиб, бизнинг музейда давом этади. Тадбирга таниқли олим ва шоирлар, нуфузли меҳмонлар, давлат ва жамоат арбоблари, шаҳар жамоатчилиги вакиллари, маҳалла фуқаролари, талабалар ва бошқа меҳмонлар таклиф этилган. Бу маънавий-маърифий байрам тадбири айни 9 апрель куни амалга оширилади.

Бироқ биз шу кунга қадар, яъни Соҳибқирон бобомизнинг таваллуд куни олдидан ҳам бир қатор бадиий кечалар ўтказдик. Музей ташкил топганлигининг ўн йиллигига бағишланган «10 йилга – ўн кўргазма» номли байрам тадбирлари буюк саркарда ва давлат арбобига бағишланган маданий-маърифий кечаларга уланиб кетди. Халқимизнинг улуғ Соҳибқиронига бўлган ҳурмат ва эътиборини музейга келувчи зиёратчилар сонидан ҳам билса бўлади. Мана шу 10 йил давомида 1 млн. 300 мингдан зиёд томошабинлар ушбу даргоҳда бўлганлигини аниқладик. Ўйлаймизки, ташриф буюрувчилар сони йилдан-йилга янада ошади ва албатта бобомизнинг таваллуд куни барча гўшаларда байрамона нишонланади.

Давлатимиз раҳбари «Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак!» деганларидек, Темурийлар тарихи давлат музейидаги 2500 дан зиёд экспонатлар, Соҳибқирон бобомиз сиймосининг улуғвору адолатпарварлиги, ўткир сиёсатчи ва саркардалик қобилияти, давлат арбоби ва маърифатпарварлиги каби бир қатор тенгсиз жиҳатларини англатиб туради.

Музейда бобомиз таваллуд топган кун «Очиқ эшиклар куни», дея белгиланишидан кўпчиликнинг хабари бўлса керак. Шунингдек, бу ердаги байрам тадбирларида «Амир Темур ва темурийлар даври тарихининг билимдони» ҳамда улуғ бобокалонимизга бағишланган «Энг яхши шеър» танловлари ғолиблари тақдирланади ва мушоирамулоқотлар бўлиб ўтади. «Ўн йилга – ўн кўргазма» музей экспозициялари ҳам ташриф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотиши аниқ.

Дилшода НОСИРОВА.



СОҲИБҚИРОН ҚИЗЛАРИ

Темурийлар сулоласи ўзбек давлатчилиги тарихида ўзининг бунёдкорлик, саркардалик, маърифатпарварлик ва халқпарварлик хусусиятлари билан алоҳида ўрин тутади.

Истиқлолга эришганимиздан сўнг ушбу сулола тарихи ва фаолиятини ўрганишнинг янги даври бошланди. Шу жумладан, темурийлар шажарасини таҳлил қилиш ҳам қилинган ишларнинг энг улуғи саналади.

Манбалардан маълумки, Амир Темурнинг 4 ўғил, 19 невара ва 15 чевараси бўлиб, жами темурий шаҳзодалар 36 нафарни ташкил этади. Биз уларнинг кўпчилигини Ватан, халқ олдидаги хизматлари – юрт ободлиги, мамлакат осойишталиги йўлида амалга оширган фаолиятлари орқали яхши таниймиз.

Аммо, Соҳибқироннинг қизлари ҳақидаги маълумотлар кўпчилик учун нотаниш ва эътиборни тортадиган мавзу бўлиши табиий. Ҳукмдор сулолалар тарихидан аёнки, сулоланинг эркак зурриётларига авлод давомчиси сифатида қаралиб, уларнинг тарбияси учун масъул шахслар тайинланган. Шу билан бирга сулола аёллари – малика ва хонзодалар ҳам давлат бошқаруви ва валиаҳдлар тарбиясида ўзларининг доно маслаҳатлари билан иштирок этишган. Темур бобомизнинг 4 ўғлидан ташқари, 2 нафар гўзал қизи ҳам бўлган.

Ўш Бегим хоним – Соҳибқирон фарзандларининг тўнғичи эди. Унинг ҳақиқий исми Тағаймоқ бўлиб, Шарофуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида у ҳақда шундай маълумот келтирилади;

«Ҳазратнинг исмат пардасидан кейинда бир қиз бор эрди. Тағаймоқ отлиқким, ани севган жиҳатидан Ака Бегим деб атар эдилар». Ўш Бегим хонимнинг онаси Турмуш Оғо бўлиб, амир Жону Барлоснинг қизи эди.

Айнан Жаҳонгир Мирзо ҳам ана шу маликадан туғилган. Муаррихлар маълумотига қараганда Ўш Бегим хоним ҳусну малоҳатда тенги йўқ гўзал бўлиб, ақл-идроки ҳам мукаммал даражада эди. Беназир заковатга эга хонзодани Амир Темур ниҳоятда яхши кўрган ва энг яқин сафдоши ва лашкарбошиларидан бири Мусабекнинг ўғли Муҳаммадбекка никоҳлаб берган. Ўш Бегим ҳақида маълумотлар кам бўлиб, унинг ҳаёт йўлини атрофлича ёритиш учун етарли эмас. Ўш Бегимнинг оғир дардга чалиниб, табиблар муолажаси ҳам фойда бермай, 1382 йил охирида вафот этганлиги маълум. У Кеш шаҳрида дафн этилган. Бевақт ўлим, яқин инсонидан жудолик Амир Темурдек қатъиятли шахсни қаттиқ қайғуга солди. Ўш Бегим вафотидан сўнг Ҳазрат Соҳибқирон ғам-ғусса гирдобига ғарқ бўлиб, давлат ишларига ҳам қўли бормай қўяди. Опаси Қутлуғ Туркон Оғо берган далдаси ва меҳрибончилигидан сўнггина, ўзини қўлга олиб, салтанат ишларига берилади.

Амир Темурнинг иккинчи қизи – Султон Бахт Бегим эди.

Унинг туғилган йили тахминан 1360-1366 йилларга тўғри келади. Онаси – Ўлжаой Туркон Оғо бўлиб, латиф хусусиятлари уни бошқа сарой аёлларидан ажратиб турган. Султон Бахт Бегим табиатан шаддод, қайсар, ўз сўзидан қайтмайдиган бўлиб, эркакларни хушламаган. Афтидан бу хусусият унга онасидан ўтган бўлса керак. Чунки «Темурнома» асарининг муаллифи ҳам Ўлжаой Туркон Оғонинг эркаклар либосини кийиб, отга миниб юриши, ҳатто жангларда иштирок этиб кўплаб ўлжалар билан қайтиши ҳақидаги маълумотларни ёзган. Темурийлар даври тарихчиси Ибн Арабшоҳнинг асарларида ҳам Султон Бахт Бегимга Самарқандга келган Бағдод аёлларининг таъсири кучли бўлганлиги ҳақида фикрлар мавжуд. Соҳибқирон иккинчи қизини Шер Баҳромнинг ўғли Муҳаммад Миракка никоҳлаб берган. Бу ҳақда «Зафарнома» муаллифи шундай ёзади: «Муҳаммад Мирак Соҳибқироннинг куёви эрди ва маҳду улё Султон Бахт Бегимнинг никоҳида эрди ва Ҳазрат Соҳибқирон анга тарбият ва иноят қилиб, Хуттолон вилоятини дуруст анга бериб эрди». Муҳаммад Мирак Темурга қарши исён кўтарганидан сўнг укаси билан бирга қатл этилади. 1390 йили малика Султон Бахт Бегим амир Довуд дуғлатнинг ўғли Сулаймоншоҳга никоҳлаб берилади.

Султон Бахт Бегимнинг темурийлар саройида алоҳида ўрни бўлган, давлат ишларида ҳам бошқа маликалар каби иштирок этган. Унинг номи «Катта» ва «Кичик» маликалар – Сароймулкхоним ва Туман Оғолардан сўнг тилга олинган. Темурийзода малика 1430 йили Нишопурда вафот этади. Олис мозий гувоҳлигини эътиборга олиб шуни айтиш лозимки, кўҳна Шарқда оқила, фозила ва тадбиркор аёллар жуда кўп бўлган. Буюк сулоланинг қизлари – Ўш Бегим ва Султон Бахт Бегимни ҳам шулар қаторига киритиш мумкин. Соҳибқирон қизларига бўлган юксак эҳтиром ва ҳурматимиз уларнинг ҳаёти ва фаолиятини янада чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш, янги қирраларини кашф этишга даъват этади.

Зуҳра АБДУРАЗЗОҚОВА.
Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти гуманитар ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси.

АРМИЯ – МЕНИНГ ҲАЁТИМДА

ВСТРЕЧАЙ, ГРАНИЦА, СЫНОВ СТОЛИЦЫ!

(Продолжение. Начало на 1-й стр.).

– Служба в армии стала для меня прекрасной школой жизни, – говорит Бахтиер Раджаметов. – Именно эта закалка сейчас помогает мне успешно работать слесарем на заводе «Химпром». Конечно, мог бы и в институт поступить, но ведь надо же кому-то и рабочим быть! Я горжусь своей профессией. Уверен, что мой младший брат не посрамит чести нашей семьи.

Эта уверенность основана на том, что Дониеру пришлось пройти серьезный отбор, доказать, что по уровню интеллектуальной и физической подготовки он достоин занять место в рядах Вооруженных Сил. К тому же выпускник индустриального колледжа твердо намерен после срочной службы получить высшее образование и внести свой вклад в процветание Родины.

Убеленный сединами 85-летний аксакал Умир-ата Джуманов в этот день не скрывал гордости. Внук ветерана Дархан удостоен высокого доверия – защищать рубежи нашей Отчизны. Из Куйи-Чирчикского района проводить сына в армию приехала и мама, Бувайша-апа. Четверых парней вырастила эта женщина. Старший сын, Даврон, уже отслужил срочную службу, пришел черед и его брата.

– Мы отстояли мир на земле для наших внуков, теперь их пора принимать эстафету, – в этих словах умудренного жизнью старца читается гордость за нашу молодежь, достойно продолжающую славные традиции дедов и отцов. Он напутствует внука быть верным делу защиты мирной жизни жителей Узбекистана.

Преуспели в создании праздничного настроения призывникам и их близким артисты Ансамбля песни и танца Пограничных войск под руководством старшего лейтенанта Юлдуз Абдуллаевой. Зажигательные ритмы в исполнении младшего сержанта по контракту Нигоры Абдуллаевой и рядового по контракту Наргизы Абдуллаевой буквально притягивали в круг новобранцев, а песни младшего сержанта по контракту Мухаррам Абдухалиловой ласкали слух, наполняя сердца вдохновением. Концерт удался на славу!

На торжественном митинге заместитель хокима столичной области Наримон Хаиткулов, ветеран войны и Пограничных войск генерал-майор в отставке Абдуллажон-ата Ортикбоев, председатель областного отделения республиканского фонда «Нуроний» Нуъмон-ата Насимов обратились к призывникам со словами добрых напутствий. Чувством материнской нежности были преисполнены голоса заместителя хокима города Чирчика Шохиды Иримсетовой и мамы призывника Дильбархон-ая Абубакаровой, которые пожелали юношам с честью исполнить свой долг перед Родиной. От имени самих новобранцев с ответным словом выступил Нурулло Сарикулов из Аккурганского района. Он заверил собравшихся гостей, что посланцы столицы будут бдительно и зорко оберегать мирный труд граждан Узбекистана.

За последние годы сложилась еще одна добрая традиция: уходящим в армию юношам вручают памятные подарки. На этот раз свой подарок преподнесло новобранцам и Министерство обороны – специально к призыву для военнослужащих, призываемых на срочную службу, издана Памятка под названием «Армия – школа жизни» на узбекском языке (на кириллице и латинице) и на русском языке.

Памятка открывается словами Президента, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами Республики Узбекистан И.Каримова: **«Мы сегодня можем с гордостью говорить о том, что служба в рядах Вооруженных Сил страны становится не только конституционным долгом, но и престижной целью для нашей молодежи...»**, – приведенными в качестве эпиграфа. Эта цитата во многом определяет основную цель и направленность проводимых в стране военных реформ.

В Памятку включены тексты Государственного гимна нашей страны, Военной присяги, а также обращение к воину Узбекистана с призывом быть верным присяге, Президенту страны и народу Узбекистана.

Кроме этого в Памятке приводятся необходимые для солдата сведения об истории создания Вооруженных Сил, правовой базе прохождения воинской службы, об оборонной политике нашего государства, иные полезные советы.

Особое внимание в Памятке уделено разъяснению солдатам вопросов предоставления льгот военнослужащим срочной службы, определенных решениями правительства страны и Общевоинскими уставами, их правам и обязанностям.

В Памятке также указаны нормы суточного продовольственного пайка военнослужащих, а также перечень вещевого имущества, которое им будет выдано государством.

Значительное место в Памятке занимают требования к мерам безопасности, соблюдение которых необходимо при проведении занятий по боевой подготовке.

В заключение в Памятке приведены адреса и номера телефонов органов воспитательной работы Министерства обороны, по которым каждый солдат может в случае необходимости обратиться в любое время суток.

– Приятно, что Памятка издана в формате небольшой по размеру брошюры и удобна для постоянного ношения с собой, – говорят призывники. – Несомненно, она станет нашим повседневным справочником, своего рода путеводителем и советчиком в ходе прохождения нами срочной службы.

Вот такую оценку дали Памятке сами молодые люди. А председатель Чирчикского городского отделения Общественного движения молодежи Узбекистана «Камолот» Джахонгир Насыров вручил ребятам свои традиционные подарки.

Весенний призыв день ото дня набирает обороты. В военных округах проведена необходимая подготовительная работа по созданию оптимальных условий для адаптации новобранцев к условиям армейской службы и быта. Мы поинтересовались мнением о пополнении представителей Пограничных войск.

– Уровень интеллектуальной и физической, психологической подготовки отобранных юношей вполне отвечает предъявляемым требованиям, – говорит старший лейтенант Уйгун Мамадалиев. – Конечно, нам еще придется плотно поработать вместе, чтобы они стали настоящими стражами рубежей Родины, но надежная база есть, и это отрадно.

Командира кавалерийской секции младшего сержанта по контракту Бурхона Джуманова интересовали молодые люди с твердыми навыками верховой езды. В условиях столицы найти таких непросто, но в районах области нашлись любители искусства джигитовки.

В тот же вечер новобранцы на поезде отправились к местам несения службы. Встречай, граница, сынов столицы!

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото **подполковника**
Ярослава КОРУКИ.

СЛУЖИ СТРАНЕ ВО БЛАГО!

На областном сборном пункте в г.Карши состоялся митинг, посвященный проводам граждан на срочную военную службу.

На плацу выстроились будущие защитники Родины. На торжественные проводы со всех районов области приглашены родители призывников, представители общественных организаций и фондов.

Военный оркестр исполнил Гимн Республики Узбекистан.

На митинге выступили заместитель хокима области, председатель областной призывной комиссии Шарофиддин Назаров, начальник областного Управления по делам обороны подполковник Мунаввар Эгамназаров, председатель областного отделения Общественного движения молодежи «Камолот» Толиб Джураев. Они отметили, что сегодня служба в рядах Вооруженных Сил страны становится не только конституционным долгом, но и престижной целью для нашей молодежи. Помимо качественного освоения военных специальностей, в армии проходят физическое и духовное возмужание молодых людей, формируются характер и твердая жизненная позиция, готовность в любую минуту встать на защиту Родины.

От имени областного отделения Общественного движения молодежи «Камолот» призывникам были вручены памятные подарки.

После торжественной части для всех собравшихся состоялись праздничный плов, и была показана концертная программа.

У всех в этот день было приподнятое настроение. Пользуясь случаем, побеседовала с некоторыми из родственников призывников.

– Мой сын будет осваивать воинскую специальность пограничника, – делится Зироат Лутфуллаева из хозяйства Чули-ата Каршинского района. – Бахтиержон, он у меня старший, с детства мечтает стать военнослужащим. На проводы приехали всей семьей. Добрые напутствия вдохновили ребят на выполнение ответственной задачи – защиты мирной жизни, покоя своих родителей, братьев и сестер, близких людей.

Насиба Хожиева из хозяйства Чияль Чиракчинского района с супругом воспитала пятерых детей. В эти мгновения она также наряду с другими матерями провожала сына на военную службу.

– Искандар обучался на водительских курсах Организации содействия обороне «Ватанпарвар», – говорит Насиба-апа. – Думаю, что в армейской службе для него не будет проблем, ведь он имеет начальную военную подготовку, специальность водителя.

Верится, что и для других призывников, отправляющихся на срочную военную службу, адаптация в условиях армейских будней пройдет успешно. Каждому, кто впервые встал в этот день в торжественный строй, была вручена Памятка военнослужащему, призванному на срочную службу. Подготовленная Министерством обороны Республики Узбекистан ярко иллюстрированная брошюра под названием «Армия – школа жизни» содержит в себе много полезной информации об истории создания Вооруженных Сил республики, правовых основах службы в армии, льготах, предоставляемых военнослужащим срочной службы, данные о военных учебных заведениях, выдержки из Общевоинских уставов Вооруженных Сил.

– Из Памятки я узнал, что на время прохождения солдатом срочной службы его семья освобождается от уплаты налога на землю, – говорит отец призывника Боймурод Рахмонов. – Это хорошая экономия для семейного бюджета. Наряду с этим при возвращении солдата домой после прохождения срочной военной службы ему будет выплачено пособие в размере 16 минимальных окладов, а также выдана новая военная и спортивная формы.

Все это важно, однако армейскую службу эти молодые люди в первую очередь считают священным долгом по защите Родины. В Памятке есть такие слова:

Служи, сынок, стране во благо,
И славы предков ты достоин будь.
Прими присягу под узбекским стягом
И свято верен той присяге будь.

Этим четверостишием поэт сказал о многом. Нам верится, что кашкадарьинцы не подведут!

Зухра ОЙМАМАТОВА,
нештатный корр. «Ватанпарвара».
На снимке: **во время проводов.**
Фото **С.НАРЗИЕВА.**



ВАТАН ЧОРЛОВИНИ УЛУҒЛАБ

Офицер Олимжон Иззатуллаев хизмат қилаётган ҳарбий жамоадамиз. Мақсадимиз – бир йил давомида аскарлик бурчини ўтаб, посбонликнинг залворли синовларида тобланиб, ёшликдаги ўт-олов онларни ҳарбийликнинг салоҳиятли мактабида тарбиялаб, ота-онаси, яқинлари бағрига эр йигитга айланиб қайтишга шай турган ўғлонларимиз ҳақида мақола тайёрлаш. Ниятимизни тарбиячи офицер Нурали Амонов қўллаб-қувватлар экан, «йигитларимизга ҳавас қилса арзийди», дея аскарлар ҳузурига бошлади. Ҳа, унинг сўзларида жон бор. Бир-биридан кўркам келбатли, фикрлари теран, энг асосийси, Ватан ҳимоясига қодир посбонлар билан суҳбатимиз мазмунли кечди.

– Мен Наманган шаҳрида вояга етганман, – дейди оддий аскар Рустам Мираҳметов. – Хизматга қадар Наманган саноат касб-ҳунар коллежида таҳсил олганман. Ҳар қандай йигит армияда хизмат қилиб, ўзини неларга қодир эканлигини англаб етишни жуда истайди. Чунки ҳарбий хизмат эр йигит учун ҳақиқий синов майдони. Лекин бу сафда қад ростлаш осон эмаслиги барчага аён. Шу сабабли аввало ҳарбий либос насиб этганидан хурсандман. Мана, бир йил давомида пулемётчилик вазифасида хизмат қилдим. Взвод командиримиз капитан Олимжон Салимов бошчилигида посбонликнинг қатъий тартибга асосланган синовларини интилиш ва тиришқоқлик билан енгиб ўтишга эришдик. Хизматдаги муваффақиятларим ҳақида тўхталадиган бўлсам, аввало Умумҳарбий низомлар талабларида белгиланган аскарлик бурчимни, ҳар қандай йигит учун орзу бўлган ҳарбий қуроллан фойдаланиш усулларини тўлиқ эгаллашга эришдим. Энг асосийси, Ватан, она, ҳурлик каби улуғ неъматларнинг қадри нақадар баланд эканлигини англаб етдим. Яна саноқли кунлардан сўнг яқинларим бағрига албатта ёруғ юз билан қайтаман.

Рустамбек камтарлик қилдими, ҳар қалай назарий ва амалий машғулотларда эришган ютуқлари ҳақида тўхталишни истамади. Посбон ижтимоий-сиёсий тайёргарлик бўйича «Фахрий ёрлиқ» билан тақдирланганидан огоҳ бўлдик. Унинг келажак орзуси отаси Юсуф акадек ички ишлар ходими бўлиш.

Сизга таништирмоқчи бўлган яна бир Ватан ҳимоячиси оддий аскар Шерали Алимов. У Ургут ўғлони. Ҳаётдаги шиори «Фақат олдинга интилиш!» Ургут иқтисодиёт коллежини имтиёзли диплом билан тугатган йигитнинг аскарлик фаолияти ҳам аъло даражада якун топаётганига ишонамиз. Келинг, яхшигина сухандон, дунёқараши кенг посбоннинг сўзларига биргаликда қулоқ тутайлик.

– Мен ота-онам, синглим, қишлоғим, умуман, она Ватаним учун хизмат қилаётганимдан мамнунман. Менимча, йигит кишининг ғурури, ор-номуси аввало она юрт пойига тикилади. Шунинг учун биз, аскарлар вазифамизни мукаммал эгаллашга интиламиз. Ўттан бир йил давомида мен жуда катта сабоқ олдим. Бизнинг взводимиз ҳарбий қисм шахсий таркиби орасида доимо илғор ўринларни эгаллаб келган. Айтмоқчиманки, сафдошларимнинг барчаси аълочи посбонлар. Улар билан бир сафда хизмат қилиш мен учун шараф. Ҳозирда хизматни якунлаш арафасида турибмиз. Мақсадим – имтиёзли Тавсияномага эга бўлиб, олий ўқув юртига кириш, ҳуқуқшунослик касбини эгаллаш. Тавсияномага лойиқ бўлиш учун эса яқинда тест синовлари топширдик. Ўйлайманки, барчаси яхши бўлади.

Эзгу мақсад сари талпиниб турган аскарнинг келажаги албатта яхши бўлади, дея биз ҳам ният қиламиз. Шералининг йўлига кўз тутиб турган Обид ака ва Раҳимахон опаларнинг дуолари ўғилларининг орзу рўёбига йўлдош, шубҳасиз.

– Мен Сирдарё вилояти, Боёвут туманидан хизматга чақирилганман, – дея суҳбатга қўшилди оддий аскар Умид Авезов. – Хизматнинг дастлабки кунларида ўзига хос қийинчиликлар бўлади, албатта. Лекин орадан маълум вақт ўтгач, сафдошларингиз яқин дўсту, офицерлар чин устоз эканлигини англаб етасиз. Ҳатто, кўриб турганингиздек, қадрдон бўлиб қолган ҳарбий жамоани тарк этиш оғир кечишини ҳис қиласиз. Чунки биз ушбу ҳаёт мактабида чиниқдик, йигит киши зиммасидаги масъулиятни чуқур англаб етдик. Қаерда, қай вазифада бўлмайлик, бурчимиз аввало Ватан ҳимоячиси эканлигини тушундик. Ҳозирда хизмат муддатини якунлаётган дўстларимнинг барчасини орзу-мақсади бор. Мен ҳам хизматга қадар Янгиер тиббиёт коллежида таҳсил олган эдим. Келажакдаги орзуим эса институтда таълим олиб ҳарбий врач бўлиш.

Кўриб турганингиздек, йигитларнинг орзуси улуғ. Уларнинг бундай қатъий қарорига армия ҳаётининг сабоқлари сабабчи бўлгани аниқ. Ҳа, суҳбатдош посбонларимиз ҳақида яна бир гапни айтишни унутибмиз. Яъни йигитларнинг барчаси спортга меҳри баланд, жисмонан чиниққан ўғлонлар. Айтмоқчимизки, ҳозирда миллий армиямиз сафида юртимизнинг энг сара ўғлонлари хизмат қилишмоқда. Яна саноқли кунлардан сўнг муддатли ҳарбий хизматни муносиб якунлаб, Ватан чорловини улуғлаб, яқинлари бағрига қайтаётган бу йигитларимизга ўзлари истаганидек орзулар рўёбини тилаймиз.

Зулфия НОСИРОВА.

ҲАРБИЙЛИКНИ ОРЗУ ҚИЛГАН ШЕРЮРАКЛАР

– Мактаб ўқувчиларидан, «Келажакда ким бўлишни хоҳлайсан?» деб сўрасангиз, уларнинг орасидан энг билимли, эпчил, зукколари ва муҳими, ўзига тўла ишонганларигина «мен келажакда ҳарбий билим юртига ўқишга кириб, юртимни ҳимоя қилмоқчиман», дея сизга жавоб қайтаришади, – дейди биз билан суҳбатда Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармаси ёшларни чақириққача тайёрлаш бўлими бошлиғи полковник Рашид Арамов. – Лекин улар билан дилдан суҳбатлашсангиз, аксарияти миллий армиямиз учун ёш офицерларни етказиб чиқарадиган ҳарбий билим юртлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмас.

Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармаси ва туман бўлинмалари ёшларни ҳарбий касбга қизиқтириш борасида ўзларининг фаолликлари билан намуна кўрсатиб келишмоқда. Яқинда Бошқарманинг Мирзо Улуғбек тумани мудофаа ишлари бўлими билан ҳамкорликда «Офицерлик шарафли касб» мавзуида ўтказган тадбири ҳам бунга яққол мисол бўлади.

– Биз бугун Мудофаа вазирлиги тизимидаги олий ҳарбий билим юртларига ўқишга кириш истагида бўлган туманимиз барча йигитларини бу ерга ота-оналари билан бирга таклиф қилганмиз, – дейди Мирзо Улуғбек тумани мудофаа ишлари бўлими ёшларни чақириққача тайёрлаш бўлинмаси бошлиғи майор Бахтиёр Тўхтаев. – Мақсадимиз юрт мудофаасидек масъулиятли ишни ўз зиммаларига олишни ихтиёр этган йигитларга бу соҳада айни дамда олиб борилаётган ишлар билан бир қаторда уларга яратилажак имкониятлар ҳақида ҳам атрофлича маълумот беришдир.

Қорасув даҳасида истиқомат қилувчи фуқаро Носиржон Жабборов муддатли хизматни Шарқий ҳарбий округга қарашли чегара қўшинларида намунали ўтаб, Тавсиянома билан ўз қадрдон гўшасига қайтди. У энди онаси Наимахон опа билан келишган ҳолда, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ҳужжат топшириш учун ҳаракат қиляпти.

– Армияга бормасдан аввал менинг режаларим умуман бошқача эди, – дейди Носиржон. – Муддатли хизматим даврида бу касб мени оҳанрабодек ўзига жалб қилди. Энди офицер бўлиб чегара қўшинларида хизмат қилишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

– Бу касбда йигитларни сеҳрловчи нимадир бор, – дея суҳбатга қўшилди ўзини Далир Минбаев деб таништирган йигит. – Мен ҳам ёшлигимдан ҳарбий бўлишни орзу қиламан. Айниқса, тиббий комиссиядан ўтиш чоғида полковник Раҳматилла Тошхўжаев, майор Бахтиёр Тўхтаев, капитан Қадамбой Саидов сингари касбига фидойи офицерлар билан самимий суҳбатлашгач, ҳарбийликка янада меҳрим ортди. Орзуим Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсанти бўлиш.

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Райҳон Сафарова ўғли Авазбек билан бирга келган.

– Ўзим шу соҳада хизмат қилаётганим боис, йигитлар учун энг муносиб касб ҳарбийлик деб биламан, – дейди суҳбатдошим. – Шу сабабли ҳам ўғлимнинг ҳарбий учувчи бўлишини жуда хоҳлардим. Буни қарангки, нуридийдам мен орзу қилгандек ҳарбий учувчи бўлишга бел боғлаб, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртига ҳужжат йиғиш ҳаракатига тушган. Ҳозир у тиббий комиссиядан ҳам муваффақиятли ўтди.

Тадбир давомида ҳарбий бўлишга бел боғлаган ўтюрак йигитларга офицерлар мамлакатимиздаги олий ҳарбий билим юртлари, у ердаги ўқитиш тизимлари ҳақида батафсил гапиришди. Айниқса, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртини тугатган капитан Қадамбой Саидовнинг курсантлик даври ҳақидаги хотиралари кўпчиликда ўзгача таассурот қолдирди.

Агнеш ҚУРБОНОВ,
Ярослав КОРУКА
олган суратлар.

Чегара қўшинларида

МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

Президентимиз Ислом Каримов Фармонига кўра, Ватан ҳимоячилари байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси «Жануб» чегара қўшинлари минтақавий штабининг Термиз чегара райони Жалолиддин Мангуберди ордени билан мукофотланган эди.

Яқинда «Жануб» чегара қўшинлари минтақавий штабининг Термиз чегара районида ана шу юксак давлат мукофотини топшириш тантанали маросими бўлиб ўтди.

Мукофотни Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раиси генерал-полковник Рустам Иноятов топширди.

Тантанали маросимда Сурхондарё вилояти ҳокими Абдулҳаким Эшмуродов, Мудофаа вазирининг ўринбосари – Жанубий ғарбий махсус ҳарбий округ қўшинлари қўмондони генерал-майор Алишер Собиров, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Турсуной Абдуллаева, Миллий хавфсизлик хизмати фахрийлари уюшмаси раиси истеъфодаги полковник Очил Муртозаев иштирок этишди ва сўзга чиқишди.

Мукофотни топшириш маросимида вилоят давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, «Жануб» чегара қўшинлари минтақавий штабининг Термиз чегара райони шахсий таркиби иштирок этди.

Термиз шаҳар «Ғунча» болалар дастаси ўз куй-қўшиқлари, рақслари билан мукофотланганларни муборакбод этишди.

Подполковник
Холмурод АЛЛАНАЗАРОВ.

Илмий-амалий анжуман

МУДОФААНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида «Мамлакатимизда мудофаанинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш босқичлари» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказди.

Анжуманни Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Маннобжон Аҳмедов кириш сўзи билан очди ва бошқарди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси, юридик фанлари доктори Ахтам Турсунов иштирок этди ва давлатчиликнинг энг муҳим элементларидан бири бўлган армия, ундаги бугунги кун талабларидан келиб чиқувчи сермаҳсул жараён ҳақида маъруза қилди.

Шунингдек, анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзолари Игорь Кореневнинг «Мамлакатимизда мудофаанинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш босқичлари», юридик фанлари номзоди, доцент Сорахон Аҳмедованинг «Миллий хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий асослари», Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти катта ўқитувчиси, адлия майори Эсон Нуровнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва ҳарбий қонунчиликни ривожлантириш», гуманитар ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси ўқитувчиси Феруза Узоқованинг «Мудофаани таъминлашнинг Конституциявий асослари», шу кафедра ўқитувчиси доцент Наталья Ҳакимованинг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини мустаҳкамлашда ҳарбий ҳуқуқнинг ўрни ва аҳамияти» мавзуидаги маърузалари тингланди.

Маърузачилар Ватанимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, мавжуд қонунлар ва қонун ости ҳужжатларини аниқ кўзланган мақсад сари самарали ишлашини таъминлаш, Қуролли Кучлар ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги ислоҳотларни жадаллаштириш мақсадида қонун ҳужжатларини такомиллаштириб бориш ҳақида мулоҳазаларини баён этдилар. Шу билан бирга мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа қудратини ошириш борасидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ғоя ва ташаббусларидан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда мамлакатимизда мудофаанинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш босқичлари ҳақида батафсил фикр алмашилди.

Анжуман қизғин баҳсмунозаралар ва савол-жавобларга бой бўлди. Тадбир иштирокчилари томонидан ана шундай анжуманлар Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисмларида ҳам ўтказилиши таклифи билдирилди.

Ишчан руҳда ўтган илмий-амалий анжуман йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлари, офицерлар, билим юрти тингловчилари ва профессор-ўқитувчилари иштирок этишди.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.
Ярослав КОРУКА олган суратлар.

ОФИЦЕРЛИК ШАЪНИ УЛУҒВОР

Ҳар бир касб ҳақида орзу қилиш, сўз юритиш осон. Бироқ уни мукаммал эгаллаш, у билан ўрин ва эъзоз топиш осон эмас. Бунинг учун инсонга неча довонлар юз тутиб туради. Бу довонлар заҳматидан чўчиб, кўксидаги орзу армонга айланганлар қанча дейсиз ҳаётда.

Олимжон ўзбекнинг бағрикенг, кўпфарзандли оиласида улғайди. Фарзандларни ўзига муносиб касб танлашида ота-она, оиланинг ўрни беқиёс албатта. Айниқса касб танлаш арафасида турган ўсмирга яқинларининг меҳрию маслаҳати катта таянч ҳисобланади. Лавҳамиз қаҳрамонининг ҳарбий бўлиш орзуси ҳам оила аъзоларининг руҳий кўмаги сабаб ҳақиқий мақсадга айланди.

Олий ҳарбий билим юртига ҳужжат топшириб, кириш имтиҳонлари остонасида турган ҳаяжони бир олам йигитнинг ҳолатини тасаввур этиб кўраверинг. Мана, ўша онларга ҳам ўн йилдан зиёд вақт ўтибди. Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртини битирган ёш офицер Фарғона гарнизонидаги ҳарбий жамоада хизмат бошлади. Олимжондаги қатъият, касбига бўлган меҳр ўз кучини кўрсатди. У ҳарбий жамоада касбий маҳоратда билимдон, ҳар томонлама ишончга лойиқ офицер сифатида қад ростлади. Шунингдек, қаерда, қай вазифада хизмат қилмасин бу эътироф доимо унинг йўлдоши бўлди, десак хато қилмаймиз. Ҳозирда капитан Олимжон Жўраев ҳарбий жамоа етакчиси. У бошчилик қилаётган посбонларнинг вазифаси ўта масъулиятли десак арзийди. Чунки жанговар батальон зиммасига қўйилган вазифанинг муваффақиятини таъминлашда уларнинг ўрни катта. Яъни дала ўқув майдонларининг синов машғулотларига тайёргарлик ҳолати айнан шуларга боғлиқ. Шунингдек, белгиланган жанговар постларнинг муҳофазасига жавобгарлик қисм посбонлари зиммасига юклатилган. Шубҳасизки, бундай вазифага лойиқ бўлиш учун ҳарбий қисм хизматчилари ижтимоий-сиёсий, жанговар ва жисмоний тайёргарликка эга бўлмоқлари лозим. Бу борада командир етакчилигида олиб борилаётган ҳар бир саъй-ҳаракат эътиборга лойиқ.

– Бизнинг вазифамиз ортида албатта юрт ҳимоясига масъуллик мужассам, – дейди суҳбатда капитан Жўраев. – Шу сабабли посбонларимиз назарий ва амалий синовларда етакчи бўлишлари учун машғулотларга катта эътибор қаратганмиз. Низом талабларига асосланган машғулотларни мукаммал эгаллаган посбон шубҳасизки зиммасидаги бурчни ҳам аъло даражада уддалайди. Айниқса жанговар постда турганда ўта ҳушёрлик, вазиятни тўғри ҳал қилиш, жанговар қуролдан тез ва бехато фойдалана билиш, эпчиллик ва чаққонлик каби бир қатор талаблар уларда мужассам бўлиши шарт. Посбонларимизга қўйилган бугуннинг талаби эса янада юқори. Чунки жаҳон ҳамжамияти тинчлигига раҳна солиб турган терроризм балоси мустақил юртимизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Бу ҳолат янада ҳушёрлик, масъулият ва фидойилик билан хизмат қилишимизни тақозо этади. Биз бу йўлда доимо бедор бўлмоғимиз шарт.

Ҳа, Юртбошимиз таъкидлаб ўтганларидек, «Юртимиз иқболи ва тинчлигини дилларига жо қилган ҳарбийларимиз борки, бизнинг кўнглимиз тинч, осмонимиз мусаффо».

Тажрибали, бурч ва интизомга қатъий риоя қиладиган командирнинг қўл остидаги ҳарбий хизматчилар ҳам ўз етакчиларига муносиб бўлишлари аниқ. Улар ижтимоий-сиёсий, ўқ отиш ва тактик тайёргарлик ҳамда мутахассислик тайёргарликлари бўйича округда олдинги сафларни эгаллаб келишаётгани бежиз эмас. Шу билан бирга посбонларни спорт билан шуғулланишлари учун етарли даражада шарт-шароит яратилган.

Юрт тинчлигига муносиб камарбаста бўлиб келаётган капитан Олимжон Жўраев бугун ота-онаси, оиласининг ҳам ишонган таянчи. У оилада биринчи бўлиб ҳарбийлик касбини эгаллаган. Ўғилларининг танлаган йўлидан Ҳамиджон ака ва Ўғилой опалар беҳад мамнун. Айни дамда офицернинг ўзи ҳам оила қўрғонига эга. Бу кўрғон ҳам кичик Ватан демакдир. Ўзбек заминидаги мана шундай миллионлаб оилаларнинг осойишталиги, Ватан мустақиллигию тинчлигини кифтида тутиб келаётган бундай офицерларимиз шаъни доимо улуғвордир.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

АЁЛЛАР ВА ЁШЛАР ФОРУМИ

Термиз шаҳридаги «Алпомиш» ўйингоҳида «Аёллар ва ёшлар диний экстремизмга, терроризм ва гиёҳвандликка қарши» шиори остида анжуман бўлиб ўтди.

Форум Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Сурхондарё вилоят ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ЁИҲ вилоят бўлими, касб-ҳунар ва халқ таълими бошқармалари, Термиз давлат университети ҳамкорлигида ташкил этилди. Ўйингоҳ халқимизни огоҳликка, ҳушёрликка чорловчи ранг-баранг шиор ва плакатлар, турфа баҳорий гулларга тўлди.

Аёллар ва ёшлар форумини вилоят ҳокими А.Эшмуратов қутлов сўзлари билан очди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитасининг раиси, сенатор Светлана Иномова иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Форум яқинигинада нишонланган Наврўзи оламнинг гўзал руҳини ўзида акс эттиргандек бўлди, гўё. Майдонда республикамиз байроқлари билан безатилган мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг спорт мотоциклари пайдо бўлганда кўнгиллар сурурга тўлди. Ана шундай сурурбахш лаҳзаларни ички ишлар бошқармаларига қарашли хизмат автомашиналари, отлиқ ички ишлар ходимлари, кўргазмали қўл жангини намойиш қилган посбон йигитлар иштирокчиларга бахш этдилар.

Бундай тадбирни гўзал куй-қўшиқларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитасига қарашли режиссёр Лутфия Рузибоева раҳбарлигидаги «Ўзбегим ёшлари» гуруҳининг она Ватан, ёшлик, севгимуҳаббатни мадҳ этувчи дилтортар қўшиқлари йиғилганлар кўнглидан жой топди. Шунингдек, гарнизон офицерлар уйи оркестри жамоаси ҳам тадбирга алоҳида файз бағишлади.

Форумда сўзга чиққан каратэ бўйича икки карра жаҳон чемпиони Бобур Давлатовнинг онаси Шарофат ая Шерқобилованинг юрт тинчлигини қадрлаш, огоҳликка даъвати ҳаммани тўлқинлантириб юборди.

«Биз, ёшлар она юртимиз истиқлолини ҳимоя қилиш, Президентимиз, ҳукуматимиз ишончини оқлаш учун бутун куч-ғайратимизни, шижоатимизни ишга соламиз» – бу сўзлар биргина Зулфия номидаги мукофот соҳибаси Эътиқод Отақулованинг эмас, балки оловқалб сурхон ёшларининг кўнглидаги гап бўлди.

Инобат ЗАКАРИЁЕВА.

Республика ҳарбий прокуратурасида

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИҒИНИ

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратурасида мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги йиғини бўлиб ўтди. Йиғин давлат мулкини сақлашда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш чора-тадбирларига бағишланди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғинида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари – Республика ҳарбий прокурори, адлия полковниги Ш.Узоқов маъруза қилди.

Кўрилган масалалар бўйича сўзга чиққанлар Қуролли Кучларнинг масъул офицерлари ва ҳарбий прокуратура ходимларининг ҳамкорликда ишлаши, шахсий таркиб ўртасида амалий ишлар олиб бориши ҳақида, шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида ўз фикрларини баён этдилар.

Ўз мухбиримиз.

БЕЗ ПРАВА СОВЕРШИТЬ ПОСЛЕДНЮЮ МОЛИТВУ

(Продолжение.
Начало в предыдущих номерах).

2. До рассвета оставалось три часа. В комнате было тепло от небольшой хорошо натопленной печки. Ризвон, положив рядом с собой автомат, спал на курпаче, не раздеваясь, как и все его люди. Караул из двух человек, выставленный во дворе, должен был меняться каждый час – за этим следил двадцатилетний Файзи. Чтобы не уснуть, он покалывал свою руку острым концом булавки, с которой никогда не расставался, тайно от всех считая ее своим талисманом, охраняющим его от ранения и ... смерти.

Ночной мрак и тишина гор вызывали желание совершить молитву. Ему казалось, что слова очистят его душу от многих и многих уже совершенных грехов и он выйдет на одну из дорог, ведущих к будущей жизни в раю, где все не так, как в этом наполненном пороками и страстями мире.

В тишине комнаты он едва слышным шепотом произносил арабские слова, и лишь на мгновение у него в очередной раз за последние месяцы возник вопрос, которого он боялся: так ли все то, что обещал словами Корана Ризвон? Файзи никогда не делился с Ризвоном этим вопросом, зная, что вместо ответа услышит суровое порицание. По словам командира, Коран надо воспринимать сразу и без рассуждений, не допуская в свое сознание больше того, что изложено в святой книге. Любой вопрос порождает новые вопросы, оскорбляя то огромное, что находится за рамками сознания человека. Не просто так Пророк произнес слова, щитом защищающие правоверных от неугодных вопросов, сеющих в душах людей сомнение: «Всякое нововведение есть противообычное, а всякое противообычное есть заблуждение, а всякое заблуждение ведет в огонь адский».

Сын горного инженера-строителя, Файзи до 14 лет вместе со всей семьей переезжал с места на место по разным областям республики. Потом отец получил должность начальника районного строительного управления, расположенного всего в нескольких десятках километров от приграничной с Афганистаном реки Пяндж, откуда он сам был родом.

Дедушка, бабушка, дяди, двоюродные братья и сестры, новая школа и друзья, с которыми не хотелось расставаться даже после уроков, мама, которая радовалась тому, что семья обрела постоянное место жительства. Все обретенное счастье растворилось в одну из февральских ночей 1992 года в грохоте пулеметной и автоматной стрельбы и криках насмерть перепуганных людей. Слезы женщин и детей, растерянные глаза мужчин, бессильных что-то предпринять, – все говорило о том, что начавшееся на душанбинских площадях противостояние, всколыхнувшее многие районы Таджикистана, превратившись в безжалостный террор, волной докатилось и до Колхозабада.

Налет был совершен боевиками, пришедшими не с афганской стороны, а с территории своей же республики, и это было самым страшным. Бандиты убивали таджиков, узбеков, корейцев, русских без разбора – опьянение безнаказанностью бандитов и беззащитностью простых людей порождало новое насилие. Людей убивали, вычеркнув из памяти многие десятилетия жизни, не разделенной по национальным признакам и вероисповеданию. Только на второй день в поселок, усеянный трупами мирных людей, приехало областное и районное руководство, которое, как могло, успокоило оставшихся в живых, пообещав им прислать солдат и милицию для обеспечения охраны правопорядка и начала проведения следствия. Но ни на следующий, ни в последующие дни никто не приехал. Более того, приехавший из областного центра односельчанин рассказал о том, как многие из областного руководства, побросав в грузовые машины узлы с вещами и ковры, с домочадцами, обезумев от страха, уехали в сторону столицы. Уехали, бросив на произвол судьбы тех, кого должны были защитить по долгу своей работы, – слуги народа бежали от народа, впервые за десятилетия советской власти предоставив ему право самому распорядиться своей судьбой.

Дон Габелхауз, чиновник, занимающийся проблемами рыболовства в Комиссии по паркам и развлечениям штата Небраска, заявил, что также впервые слышит о рыбе с двумя ротовыми отверстиями. «Похоже, это генетическая мутация, – полагает он. – И я не думаю, что с рыбой еще что-то не так».



САМАЯ КРОШЕЧНАЯ РЫБА В МИРЕ

Европейские и сингапурские ученые открыли самую крошечную рыбу в мире.

Данный вид обитает в торфяных болотах в Юго-Восточной Азии и во взрослом состоянии имеет размеры крупного комара. Paedocypris progenetica является дальней родственницей карпа, говорят ученые. Прозрачная рыбешка живет в торфяных болотах с повышенной кислотностью на индонезийском острове Суматра и в малайзийской части Борнео. Эти так называемые «черные болота» представляют собой уникальную экосистему: здесь деревья растут на заболоченном мягком торфяном покрове, толщина которого может достигать нескольких метров. По виду вода в них напоминает очень темный чай, и среда здесь чрезвычайно кислая. Водородный показатель pH составляет 3, как в кислом яблоке. Эти болота находятся под угрозой исчезновения из-за деятельности человека. Самым маленьким экземпляром вида, который обнаружили ученые, стала взрослая самка Paedocypris progenetica, найденная на Суматре. От носа до хвоста ее размеры были всего 7,9 мм.

ДАҚИҚАСИ ЙИЛЛАРГА ТЕНГ

050

1996 йил 4 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига асосан Аҳолини ва халқ хўжалиги объектларини табиий офатлардан муҳофаза қилиш, республикада табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш тизими ташкил этилди. Фармоннинг 4-бандига мувофиқ 1996 йилнинг апрель ойида Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига асосан Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ташкил этилди.

Шу сана муносабати билан биз Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи полковник Эргаш Икромов билан суҳбатда бўлдик.

– Эргаш Жумабоевич, Сиз раҳбарлик қилаётган бошқарма ташкил бўлган илк йилларидаги вазифалар нималардан иборат эди?

– Фавқулодда вазиятлар бошқармалари Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг таркибий бўлинмаси ҳисобланиб, шаҳар ҳокимлигининг бошқармалари ҳуқуқида ишлашлари ва бошлиғи шаҳар фуқаро муҳофазаси бошлиғи ўринбосари ҳисобланиши кўрсатиб ўтилган эди. Фармоннинг аҳамияти шундаки, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорларини бажариш вазирликлар, идоралар, уюшмалар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий ҳисобланиши, вазирлик ва унинг таркибий бўлинмаларига берилган ишонч ва Ватанимиз ҳамда халқимизни фавқулодда содир бўлиши мумкин бўлган ҳодисаларнинг олдини олиш оқибатларини бартараф этиш, аҳолини бундай ҳолатларда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш ишларини олиб бориш, бу борада аҳолининг турли қатламлари билан узлуксиз тайёргарлик тизимини барча мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкиллаштириш вазифаси қўйилган эди.

– Мана шу тарихий Фармон чиққан кунга ҳам 10 йил бўлибди. 10 йиллик тарихга назар солсак, қисқа давр ичида Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходимлари томонидан тинчлик, хавфсизликни сақлаш йўлида самарали ишлар амалга оширилгани муболаға эмас.

– Ҳақиқатан ҳам шаҳримиз аҳолисини ва ҳудудини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш борасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш Давлат тизими тўғрисида»ги Қарорига асосан, Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан бошқарма, бирлашма, қўмита, ҳамда жамиятларга, аҳолини ва шаҳар ҳудудини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар Давлат ҳудудий қуйи тизими 24 та функционал бошқармаларида Фуқаро муҳофазаси хизматлари, яъни ҳудудий, маҳаллий, объект қуйи тизимлари ташкил этилди. Ўз хизмат вазифасига фидойи инсонларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ҳудудий қуйи тизим дунёнинг ривожланган мамлакатлари Фуқаро муҳофазаси тизимига тенглаша оладиган даражага етди, аҳоли ва ҳудудни муҳофаза қилишга кучи етадиган халқ армияси вужудга келди, Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этишда аҳоли тайёргарлигисиз ҳар қандай кучнинг етарли бўлмаслиги дунё тажрибасидан маълум. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 7 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида»ги Қарорига асосан Бошқарма шаҳар аҳолисининг тайёргарлигини ташкиллаштириш тизимини ишлаб чиқди.

– Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг халқаро миқёсда амалга оширилган тадбирлардаги иштироки тўғрисида сўзласангиз.

– Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи сифатида 2001 йил 15 март кунидан 26 март кунигача Америка Қўшма Штатларининг Вашингтон шаҳрида «Инқирозий вазиятларни юқори даражада бошқариш» мавзусида ўтган халқаро семинарда қатнашдим.

2001 йил 28 март куни Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасига марказлаштирилган огоҳлантириш ва атроф-муҳитнинг мониторинги муаммолари бўйича германиялик мутахассислар ташриф буюрдилар. Германиялик мутахассислар билан пойтахтда кимёвий хавфи бор объектларга мутахассислар томонидан керакли жиҳоз ва ускуналар ўрнатиш ва синовларни ўтказиш тўғрисида музокаралар олиб борилди. 2004 йил 20 сентябрь куни «Тошкент-Жанубий» темир йўл маскани ҳудудида авария содир бўлганда кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар ҳавога тарқалганда объект раҳбарияти ва Фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг ҳаракатлари» мавзусида «IWER-2004» фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш бўйича кўргазмали махсус-тактик машғулоти халқаро анжуман доирасида ўтказилди.

Дарҳақиқат тарих учун 10 йил қисқа давр, лекин биз учун ҳар бир дақиқаси йилларга тенг энг қадрли, савобли ва масъулиятли йил бўлди.

Х.ШОДИЕВ,
Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходими.

Атроф-муҳит ва биз

«ЭКОСАН» АВТОПОЕЗДИ ҚИБРАЙДА

«ЭКОСАН» халқаро ташкилоти «Экология ва саломатлик кунлари» доирасида Тошкент вилояти Қибрай туманида экологик акция ташкил қилди. Унинг доирасида туманга 3 млн. сўмдан зиёд инсонпарварлик ёрдамлари ортилган «ЭКОСАН» автопоезди етиб келди.

«ЭКОСАН» халқаро ташкилоти «Экология ва саломатлик кунлари» ва «ЭКОСАН маҳаллада» мақсадли дастури асосида, аҳолига қулай барқарор экологик вазиятни таъминлаш, дарахтлар кесиб кетилишининг, чиқиндилар тўпланиб қолишининг олдини олиш ва ушбу жараёнга кенг жамоатчиликни жалб қилиш, аҳоли ўртасида тарғибот ишларини кучайтириш мақсадида жойларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш тадбирларини мунтазам ташкил этиб келмоқда.

Шундай экологик акциялардан бири Тошкент вилоятининг Қибрай туманида бўлиб ўтди. Унда «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти, Қибрай туман ҳокимлиги раҳбарлари, тумандаги «Оққовоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини, «Ёшлик» маҳалласи вакиллари, туман марказий шифохонасининг тиббиёт ходимлари иштирок этдилар.

Мазкур экологик акция доирасида туманнинг бир қатор қишлоқларида экологик ҳашар уюштирилди. Ҳашар иштирокчилари маҳаллалар ҳудудини тозалаш, йиғилган чиқиндиларни чиқариб ташлаш, дарахтларни буталаш ва оқлаш ишларида, шунингдек, кўчаларни, сув ҳавзалари, жумладан, ариқ ва зовурларни тозалашда, йиғилган чиқиндиларни ўз вақтида олиб чиқиб кетиш ишларида фаол иштирок этиб, маҳалла ҳудудининг янада обод бўлишига, санитария-гигиеник ҳолатининг яхшиланишига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Шу куни туман ҳокимлигида учрашув бўлиб ўтди. Унда «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти президенти Юсуфжон Шодиметов, Қибрай туман ҳокими ўринбосари Шокир Орипов, «Оққовоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Мукамбар Махаматкаримова, Қибрай туман марказий шифохонаси бош шифокори Малика Набихўжаева сўзга чиқиб, бугунги кунда атроф-муҳит ва инсон саломатлиги муҳофазаси борасида туман ҳудудларида олиб борилаётган ишлар, экологик муаммоларни бартараф этиш ва олдини олишда ҳар бир фуқаро масъуллигининг ошишига эришиш ва табиатни асраш жараёнида барчанинг биргаликда ҳаракат қилиши, ҳамда аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш лозимлигини таъкидладилар.

Учрашув якунида «ЭКОСАН» автопоезди етказиб берган инсонпарварлик ёрдамлари туман марказий шифохонасига, кам таъминланган оилаларга топширилди.

Инобат ИБРОҲИМОВА.

НЕ ДОВЕРЯЙТЕСЬ НЕЗНАКОМЦУ

ШКОЛА ВЫЖИВАНИЯ

Советы родителям и детям старшего возраста:

– всегда относитесь к ребенку с доверием, чтобы он рассказывал вам о малейших происшествиях, случившихся с ним вне дома, иначе он может скрыть от вас из-за страха или стыда действительно что-то серьезное;

– объясните ребенку, что он должен сообщать вам о каждой попытке незнакомца завести с ним разговор, предложить угощение, деньги, совместную прогулку, увлекательную игру и т.п. и всегда отказываться от предложенных соблазнов, не вступать в разговор (сделать вид, что не слышит, уйти в сторону);

– разрешите ребенку при необходимости в целях самозащиты нарушать установленные вами правила и нормы поведения, а именно: убегать, громко кричать, говорить незнакомцу неправду, вырываться, кусаться, звать на помощь и даже ударить нападающего;

– расскажите ребенку, что его тело принадлежит только ему и незнакомец не должен трогать, обнимать его, что ребенок имеет право сказать «нет» любому взрослому, который причиняет ему боль или вред;

– внушите детям, что очень опасно для них: ходить куда-либо с незнакомцем, садиться с кем-нибудь, кроме родителей, в чужую машину, принимать подарки от незнакомого человека, играть на улице допоздна, возвращаясь домой, заигрываться по дороге, держать в тайне любое знакомство со взрослыми;

– обязательно реагируйте на любой шум в подъезде и на улице, научите ребенка возвращаться домой в определенное время и по первому требованию;

– вручая ребенку ключи от квартиры, не вешайте ему их на шею (вшейте в карман костюма или платья замок-молнию), научите правильно ими пользоваться и никогда не отдавать незнакомцу, не приводить никого в свою квартиру;

– внушите ребенку, что при необходимости он может обращаться за помощью только к знакомым и соседям; осмотрительно подбирайте няню или репетитора;

– научите ребенка самостоятельно пользоваться лифтом и не ездить с незнакомыми людьми;

– старайтесь сами сопровождать его по дороге домой и на улице, всегда контролируйте его путь в подъезде и лифте.

Ваши действия:

1. Немедленно подойдите к ребенку и выясните у незнакомца, в чем дело (как правило, взрослые не подходят к незнакомому ребенку, если не имеют дурных намерений, за исключением случаев, когда ребенок потерялся и плачет). Если незнакомец уже ушел, расспросите о нем ребенка, других детей, соседей.

2. При возникновении у вас подозрений относительно намерений незнакомца (или если он пытается скрыться) позовите на помощь соседей, задержите его, сообщите в милицию о случившемся и укажите приметы.

3. Предупредите соседей, чтобы они сообщили в милицию о новом появлении незнакомца, усильте контроль за ребенком, так как попытки приставания к детям могут повториться. Звоните в милицию при появлении любых подозрительных незнакомых людей среди детей.

4. При попытке совершения насилия над ребенком немедленно вызовите милицию и «скорую помощь». С помощью соседей и прохожих задержите преступника.

Юрий МИХАЙЛОВ,
подполковник в отставке.

Для вас, офицеры-артиллеристы!

ЗАДАЧИ ТРЕТЬЕЙ СЕРИИ

ЗАДАЧА № 1

Вероятность прохождения средней траектории относительно цели на первом участке равна 0,4, при этом для поражения цели требуется 4 снаряда; на втором участке – 0,3, а для поражения цели требуется 5 снарядов; на третьем участке – 0,2, а для поражения цели требуется 6 снарядов; на четвертом участке – 0,1, а для поражения цели требуется 7 снарядов.

Рассчитать математическое ожидание расхода снарядов для поражения цели.

ЗАДАЧА № 2

Определить масштаб аэроснимка, если изображение на нем моста длиной 360 м оказалось равным 17 мм.

ЗАДАЧА № 3

В батарее 122-мм ГД-30 для партии заряда 2 – 79 – 68 определено суммарное отклонение начальной скорости снарядов для основного орудия батареи, равное +0,8%Vo.

В батарею поступила новая партия зарядов 12 – 78 – 68. По приказу командира дивизиона проведен сострел партий зарядов на заряде третьем, по шкале тысячных на прицеле 283, при установке уровня 29 – 97, снарядами ОФ-462. После сострела командир батареи определил топографические дальности по ЦГР: для имеющейся партии зарядов 5500 м, для поступившей партии 5510 м.

Определить суммарное отклонение начальной скорости снарядов для основного орудия батареи при стрельбе новой партией зарядов.

ЗАДАЧА № 4

Батарея 122-мм гаубиц Д-30 закончила пристрелку репера 1-го снарядом ОФ-462, взрыватель осколочный, заряд второй, на установках: шкала тысячных, прицел 329, уровень 30 – 08, ОН+0 – 20. По реперу определены: дальность топографическая репера 7320 м, превышение высоты репера +35 м, доворот топографический репера +0 – 30.

Определить коэффициент стрельбы и подать команду на подавление ненаблюдаемой радиолокационной станции противника. На стрельбу отпущено 108 снарядов и определены данные по центру цели: дальность топографическая цели 8650 м, превышение цели – 15 м, доворот топографической цели – 0 – 60.

ОТВЕТЫ НА ЗАДАЧИ ВТОРОЙ СЕРИИ

ЗАДАЧА № 1

Расход боеприпасов для поражения цели с вероятностью 0,9 = 114 снарядов.

ЗАДАЧА № 2

Высота КНП 1023 м.

ЗАДАЧА № 3

«Шамол», внимание. Двумя орудиями. Ослепление 8 минут. «Костер-1». Правая: X=87300, У=22050, H=190 м. Левая: X=87300, У=21900, H=190 м. Фронт 150 м. Залпами. 1 минута – залп. Расход 17 снарядов.

ЗАДАЧА № 4

1. «Жасорат», стой. Цель 104-я минометная батарея. Осколочно-фугасным, взрыватель осколочный. Шкала тысячных. Заряд второй. Прицел 383. Уровень 30 – 00. Доворот ОН – 3 – 40. Основному 1 снаряд. Огонь.

2. +0 – 18. Огонь.

3. Прицел 371. + 0 – 03. Огонь.

4. Прицел 359. + 0 – 12. Огонь.

5. Прицел 351. – 0 – 09. Батарее по 2 снаряда беглым. Огонь.

6. Прицел 355. – 0 – 02. Огонь.

7. «Жасорат». Стой. Записать. Цель 104-я минометная батарея. Расход 52. Я «Марказ».

Ҳарбий техника янгиликлари

СУ-34 – ЖАНГОВАР АВИАЦИЯ КОМПЛЕКСИ

Россия ҳарбий техника саноати мутахассислари эндиликда мамлакат фронт авиацияси жанговар қудратининг эталонига айланиши кутилаётган СУ-34 самолётини яратдилар. Жорий йил бошида шу турдаги дастлабки самолётларнинг тажриба-синов ишлари бошланди. 2010 йилга бориб Россия ҳарбий ҳаво кучлари (ҲҲК) кўп мақсадли зарбдор самолёт бўлган СУ-34 билан тўлиқ таъминланади. Бу машиналар ҳозирда жанговар техника таркибида фойдаланилаётган бомбардимончи СУ-24 самолётларини алмаштиради. Самолётларни ўз муддатида етказиб бериш борасида «Сухой» номидаги авиация холдинг компанияси таркибига кирувчи Чкалов номидаги Новосибирск авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси билан уч йиллик шартнома имзоланган. ҲҲК бош қўмондони армия генерали Владимир Михайловнинг таъкидлашича, ушбу шартнома фронт авиациясини қайта қуриш бошланганлигидан далолат беради.

Кўп мақсадли зарбдор самолёт концепцияси ўтган аср охиридаёқ ишлаб чиқилган эди. У юқори манёврчанлик ва тезлик, катта жанговар юкланиш ва учиш узоқлиги сингари гўёки бир-бирига қарама-қарши бўлган талабларни ўзида жам қилганди. Ушбу концепцияни аэродинамика, авиацион технологияларнинг энг сўнгги ютуқлари ҳамда жиҳозлар ва қуролларнинг истиқболли намуналари асосида амалга ошириш талаб этилган.

СУ-34 учун прототип бўлиб серияли равишда ишлаб чиқарилган СУ-27 қирувчи самолёт хизмат қилди, шу сабабли аввал ушбу машина СУ-27 ҚБ (қирувчи-бомбардимончи) деб аталган. СУ-27 ҚБ биринчи учишни 1990 йил баҳорида амалга оширган.

1993 йил декабрида эса СУ-27ҚБнинг СУ-34 деб номланган биринчи намунаси осмонга кўтарилди. Машина конструкциясида интеграл компоновка (тузилиш) ҳамда энг янги композицион материаллар ва титан қўлланилиши СУ-24 билан таққослаганда жанговар юкланиш ва учиш узоқлигини ошириш имконини берди. Шу билан биргаликда СУ-27 нинг энг яхши учиш-қўниш сифатлари ҳам сақлаб қолинди.

Янги самолётнинг ўзига хос бир хусусиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. СУ-34 конструкторлари узоқ масофаларга учиш ва осмонда жуда кўп вақт бўлиш экипаж учун доимо зерикарли ҳамда толиқтирувчи ҳолат эканлигини ҳисобга олганлар. Улар шинам ва қулай кабина концепциясини амалга ошириб, кабинани нафақат жанговар фаолият олиб бориш, шунингдек, учиш вақтида экипаж аъзолари дам олиши учун ҳам мослаштирдилар. Шундай кенг кабина юзага келдики, ҳатто мутахассислар уни стратегик бомбардимончи ТУ-160 самолёти кабинасига ҳам ўхшашлигини таъкидлашди. Бу ерда экипаж аъзоларининг ётиб дам олишлари учун ҳам шароит етарли. «Звезда» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида катапультли К-36ДМ креслосининг варианти яратилиб, унинг суянчиғига электромассажчи ўрнатилган. Буларнинг барчаси СУ-34 самолётининг жанговар салоҳиятини ошириб, узоқ муддатли учиш вақтида учувчиларнинг юқори иш қобилиятини таъминлайди. Аммо ўша даврда ҳамма нарса ҳам техника ишлаб чиқувчиларга боғлиқ эмасди.

90-йиллардаги иқтисодий инқироз ва лойиҳа молиялаштирилишидаги узилишлар барча уринишларни йўққа чиқариши мумкин эди. Бу ҳолатнинг олдини олишга эришилди ва молиялаштириш изга тушгандан сўнг ҲҲК бош қўмондони армия генерали В.Михайлов жанговар зарбдор самолётни қуроллар таркибига киритишдан аввал яна қайта кўриб чиқилишини талаб қилди.

Натижада СУ-34 кўплаб вазифаларни бажаришга қодир бўлган жанговар авиация комплекси кўринишини олди. Унинг нишонларни аниқ топиш имкониятлари иккита мустақил тизим – инфрақизил ва телевизион тизимлардан фойдаланиш ҳисобига анча ортди. Улардан об-ҳаво шароитлари ва кун қисмига боғлиқ ҳолда алоҳида-алоҳида ҳам, биргаликда ҳам фойдаланиш мумкин бўлиб, бу турли хил жанговар ўқ-дориларни қўллаш имкониятини таъминлайди. Буларнинг барчаси ушбу авиакомплексни деярли барча нишонларни йўқ қилиш воситасига айлантиради. Жумладан, ҳеч бир чет эл зарбдор самолёти эга бўлмаган имконият, яъни душманнинг бошқарилувчи ракеталарини йўқ қилиш имконияти СУ-34 да тўлиқ таъминланган. Бундан ташқари, планернинг интеграл компоновкаси ҳамда радиосингдирувчи қоплама ва материаллар СУ-34ни радиолокация экранларида F-15Едан ҳам сезилмас бўлишига хизмат қилади.

Юқори учиш-техник тавсифлар, жанговар яшовчанлик, ихчамлик ва қўллашдаги оддийликнинг жамланганлиги ушбу авиация комплексини ҳар қандай географик ҳудудда қўллаш ва ер усти, сувости ҳамда чуқурлаштирилган нишонларни йўқ қилиш имконини беради.

«Красная звезда» газетасидан М.САЙДИВАЛИЕВ таржимаси.

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА

Премьер ушел в отставку

Исполняющим обязанности премьера Таиланда стал первый заместитель главы правительства Читчай Ваннасатхит. Премьер Таиланда Таксин Чинават объявил о своем решении не претендовать на должность главы нового кабинета министров, который будет сформирован в скором времени по итогам состоявшихся досрочных парламентских выборов, сообщает ИТАР–ТАСС.

Пострадал новобранец

17-летний новобранец Америк Хейер рассказал, что два месяца издевательств в британской армии закончились для него зверским избиением со стороны капрала, 25-летнего Ли Орджила, в результате которого он чуть не ослеп. Это произошло в последний день прохождения основного курса обучения на базе Кэттерик в Северном Йоркшире, сообщает «Mirror». Капрал был отстранен от службы, в отношение него было заведено уголовное дело.

Переговоры зашли в тупик

В обстановке острых разногласий начались в Вашингтоне американо-японские переговоры о передислокации и сокращении военных объектов США на территории Японии. Камень преткновения – это вопрос о плате за вывод 8 тысяч американских морских пехотинцев с японской Окинавы на принадлежащий США остров Гуам в центре Тихого океана, сообщает ИТАР–ТАСС.

Эффект от ПРО

Система противоракетной обороны (ПРО) США в период до 2020 года не будет способна ослабить эффективность стратегических ядерных сил России. Об этом заявил бывший начальник Главного штаба Ракетных войск стратегического назначения РФ генерал-полковник Виктор Есин, передает «Интерфакс». «Создаваемая американцами система национальной ПРО будет обладать ограниченными возможностями по перехвату боевых блоков стратегических ракет, по меньшей мере до 2020 года, и не сможет серьезно ослабить эффективность российских стратегических ядерных сил», – сказал Есин.

Авиадиспетчер ушел пить чай

Самолет, возвращавшийся в Великобританию, был вынужден почти полчаса кружить над аэропортом. Как пишет газета «The Daily Mirror», капитан самолета уведомил пассажиров, что лайнер не может совершить посадку в городе Кардифф, поскольку авиадиспетчера нет на месте – он ушел пить чай. Пассажиры подумали, что пилоты просто пошутили – ведь было 1 апреля. Самолет все это время кружил над аэропортом. На его борту было более двухсот пассажиров.

Памятникам грозит уничтожение

Некоторым из самых красивых достопримечательностей на Земле грозит уничтожение, пишет «Newsweek». Главной угрозой является сам туризм (в прошлом году туристов было 806 млн.). Камбоджийский храм Ангкон сейчас посещают 1 млн. туристов в год, а Тадж-Махал – 7 миллионов. Всемирный фонд памятников (WMF) создал список из 100 памятников культурного наследия, которым угрожает наибольшая опасность. Он охватывает 55 стран. Венеция уходит под воду, лондонскому Тауэру или глиняным мечетям Тимбукту также грозит вода.



Отпечатки пальцев о привычках

Отпечатки пальцев могут дать правоохранительным органам гораздо больше сведений о преступнике, чем может показаться на первый взгляд. Клетки жира и частички кожи, из которых и состоит отпечаток, могут рассказать о том, курит ли человек, употребляет ли наркотики, какой косметикой пользуется. Также, изучая отпечатки пальцев, можно определить, брал ли человек в руки оружие или взрывчатку.



Ученые приблизились к созданию киборгов

На конференции в Сан-Франциско «Экспериментальная биология-2006», где присутствовали около 12 тысяч делегатов, ведущие ученые на симпозиуме под названием «Человек за 6 миллиардов долларов» сообщили, что то, что некогда казалось вымыслом, становится реальностью – в том числе электронные руки, ноги и глаза, пишет «The Daily Telegraph». Доктор Уильям Крелиус и его команда в Университете Рутгерса, например, создали бионическую руку «Dextra», которая с помощью наличествующих у человека нервных путей контролирует отдельные, управляемые компьютером, механические пальцы.

(www.NEWSru.com).

ЙЎЛИНГ РАВОН БЎЛСИН «ДАМАС II»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қувонарлиси, Россияда 2005 йилда энг харидоргир хориж автоуловлари орасида ўзимизнинг «Нексия» биринчиликни ҳеч кимга бермай келаётгани, Асакадаги «ЎзДЭУ Авто» қўшма корхонасининг яна бир маҳсулоти «Матиз» эса Россияда кўп сотилган олти хорижий автомобиллардан бири бўлиши ҳар бир ватандошимиз қалбидаги ифтихор туйғуларини алангалатади. Сотилиш борасида «ўзбек бойчибори» – «Нексия» 2004 йилнинг мутлоқ чемпиони «Hyunday» ва унгача биринчиликни бермай келаётган «Tayota» , ҳатто дунё миқёсида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб улгурган «Mitsubishi»ни ортда қолдиргани, бизнинг автомобилларга билдирилган ишончнинг исботидир.

«За рулём» журналининг мухбири А.Заваровнинг билдирган фикрларига эътибор қаратсак. «Нексиянинг биринчиликни бермай келаётгани барчани ҳайратга солмоқда. Ўзбек автоуловларининг Россия бозорига кириб келганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Кўплаб россияликлар ўзбек автомобилларини харид қилишни афзал билишмоқда. Бошқа автомобиль компаниялари ҳар қанча уринмасин, харидорларни ўзбекистонлик автомобилсозлардан ўзларига оғдира ололмай доғда қолишяпти», деб ёзади жумладан у.

Ўтган йил «ЎзДЭУ Авто» корхонаси 110 мингдан зиёд автомобиль ишлаб чиқарган бўлса, шундан 56 % экспорт қилинган. Ўзбекистонда автомобиль ишлаб чиқариш ҳажми 75,5 % га ошганлиги диёримиз автомобилсозлигининг илдам одимлаб бораётганлигидан дарак беради. Хўш, хорижда автомобилларимизга талабнинг тобора ортиб бораётганлигининг боиси нимада? Мамлакатимиз ва хориж мутахассисларининг фикрларига асосланиб жавоб берадиган бўлсак, автоуловларимизнинг техник хусусиятлари жаҳон андозалари даражасида, қулай, сифатли ва нархининг арзонлиги билан харидорлар эътиборига тушаяпти. Ютуқлар ва натижалардан ҳаволаниб кетмаган автомобилсозларимиз изланишда давом этяптилар. 2002 йилда «Нексия II» ишлаб чиқарилган бўлса, орадан бир йил ўтиб, ДЭУ «Ласетти» ўзбек хонадонларининг кўркига кўрк қўша бошлади. 2004 йилда Қўқондаги «Электромаш» заводи билан ҳамкорликда автомобиллар учун 17 турдаги бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 2005 йилнинг октябрь ойида «Ўзавтосаноат» уюшмаси ДЭУ моторсга тегишли бўлган 50 % акциялар пакетини сотиб олди.

ДЭУ «Ласетти» модели ҳақида шу ўринда икки оғиз фикр билдириб ўтсак. Дунёнинг машҳур компаниялари ишлаб чиқарган замонавий моделлар билан тенгма-тенг баҳслаша оладиган автомобилнинг Ўзбекистондан чиқаётгани қувонарлидир. Ласетти лотинча сўз бўлиб, ёшлик, қувват, куч деган маъноларни англатади. «Ласетти» автоихлосмандларнинг ишончларига кириб бораётган бир паллада компания яна янгиликка қўл урди. Шу янгилик ҳақида батафсил маълумот беришни жоиз деб билдик.

Давр ўтгани сайин янгиликка бўлган эҳтиёж тобора ошиб боравер экан. Табиатнинг бу буюк қонунини «ЎзДЭУ Авто» қўшма корхонаси ишларида ҳам кузатиш мумкин.

Ўтган 2005 йилнинг иккинчи ярмида Жанубий кореялик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорликда «Дамас» автомобилининг янги лойиҳаси устида ишладик. Умуман олганда, мини-микровен услубида ишлаб чиқарилган бу автомобилга Осиё бозорларида талаб етарлича. Янги йилдан бу автомобилга Россия Федерацияси автодиллерлари ҳам буюртмалар беришган.

«Дамас II» деб аталган янги автомобилни фақат Жанубий Корея йўлларида учратиш мумкин эди. Янги моделнинг бампер қисмидаги ўзгаришлар кишини ўзига тезда жалб қилади. Салон қисми ҳам бирмунча кенгайтирилган. Ушбу моделнинг қулайликлари ҳақида сўз борар экан, «Ўзавтосаноат» уюшмаси бошқаруви раиси Қудрат Парпиев жумладан шуларни айтиб ўтди: «Биз учун ҳар томонлама қулай бўлган Россия бозорларига янги – «Дамас II» моделимизнинг ташрифи ҳақида бир нарса дейишимиз қийин. Аммо биз бу моделнинг дизайн кўринишларини, техник тавсифларини имкон қадар харидорлар талаби асосида ишлаб чиққанмиз. Модель мана шу хусусиятлари ва Россия бозорларидаги нархининг 12 минг долларга қадар баҳоланиши жиҳатидан «Собол» ва «ГАЗел» автомобилларига муносиб рақиб бўла олади».

«ЎзДЭУ авто» қўшма корхонасида ҳозирга қадар ишлаб чиқарилган беш эшикли «ДЭУ Дамас II» мини-вэнлари уч цилиндрли, иш ҳажми эса 800 см. куб ва 40 от кучига эга двигатель билан жиҳозланган.

Янги модель олдингисига нисбатан 40 см.га узайтирилган. Бу ўзгариш аввало салондаги хавфсизликни таъминлаш имконини беради. «Дамас II» моделининг ташқи ва ички бозордаги савдосини таъминлаш мақсадида завод мутасаддилари уни икки кўринишда ишлаб чиқаришни режалаштиришган. Дамаснинг янги модели ҳақида автоихлосмандлар ва мутахассисларнинг фикрлари билан қизиқдик.

Қаҳрамон Мирсоатов (мутахассис): – Мини-микровен услубида ишлаб чиқарилган Дамас II автомобилининг ташқи ва ички дизайнида бир қанча ўзгаришларни кўришимиз мумкин. Дамас II «Hunday» русумининг худди шу таснифидаги моделига монанд. Бу билан улар ўртасидаги умумий ўхшашликни кўришимиз мумкин. Аммо бизнинг автомобиль унга қараганда анча арзон.

Обиджон Раҳимов (харидор): – Дамас II автомобили менга ёқди. Унинг дизайнидаги ўзгаришлар чакки эмас. Уни ҳаракатга келтирганимда двигателнинг бир меъёрда ишлаши ва бир қанча техник хусусиятларининг талаб даражасидалиги билиниб турибди. Автомобиль ўзимга ва оила аъзоларимга маъқул келганлиги учун уни сотиб олмоқчиман.

Дунё ва ўзбек автоолами ўзгача дизайн ва қулайликларга эга яна бир автомобиль билан бойиди. Йўлинг ҳамиша равон бўлсин, «Дамас II»!

Равшан РАЖАБОВ.

Қуролли Кучлар академиясида

СОҲИБҚИРОННИ ЁД ЭТИБ

Қуролли Кучлар академиясида буюк Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда академия шахсий таркиби билан биргаликда Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси – филология фанлари доктори Муҳаммадали Аҳмедов, филология фанлари доктори профессор Ҳамидулла Дадабоев ва бошқалар иштирок этди. Академия офицери майор Ўктам Асланов тадбирни кириш сўзи билан очаркан, «Юртимиз довруғининг бутун дунёга таралиши, бунёдкорлик, фаровон ҳаёт ва маданиятнинг гуллаб-яшнашида улуғ аждодимиз Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг ҳиссаси беқиёсдир. Унинг номи энг аввало, Мовароуннаҳрда қарийб бир ярим аср давом этган мўғул босқинчилари ҳукмронлигига, зулмига чек қўйган ҳалоскор сифатида эҳтиром билан тилга олинади. Буюк Соҳибқирон ўзаро авж олган ички низоларга барҳам бериб, феодал-тарқоқ давлатни бирлаштирди ва ягона қудратли империяга асос солди. Бобокалонимизнинг ҳарбий санъати ва маҳоратини ўрганиш бугунги авлодлар учун ҳам ғоят аҳамиятлидир», деди фахрланиб.

Шундан сўнг Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси – филология фанлари доктори Муҳаммадали Аҳмедовга сўз берилди. Олим жасур саркарда ҳақида тўлқинланиб гапирар экан, жаҳонгирнинг фазилатларига алоҳида тўхталиб ўтди.

– Ўзбек халқининг жаҳон тараққиёти ва илм-фан ривожига бебаҳо ҳисса қўшган даҳо фарзандлари жуда кўп, – деди жумладан, у. – Аммо улар орасида Соҳибқирон Амир Темурнинг тутган ўрни ўзига хос. Биз яқин-яқингача у ҳақда деярли аниқ маълумотга эга эмас эдик. Мана, истиқлол шарофати билан ўзлигимизга, қадимий қадриятлар ва анъаналаримизга яна қайтдик. Улуғ аждодларимиз ҳақида, бебаҳо тарихимиз ҳақида бемалол ўқиб-ўрганиш, тадқиқотлар олиб бориш имконига эга бўлдик. Ана шундай буюк сиймолардан бири бўлган Амир Темур ҳақида тўхталадиган бўлсак, у аввало моҳир саркарда, кучли давлат арбоби сифатида хаёлимизда гавдаланади. Ваҳоланки, унинг ҳали очилмаган қирралари, ўрганилмаган жиҳатлари талайгина. Амир Темур буюк ижодкор, бунёдкор, илм-фан, тараққиёт ва маданият ҳомийси. У барпо эттирган боғлар, қурдирган иморатлар, юртимиз тараққиёти йўлида қилган хизматлари фикримизни тўла асослайди. Улуғбекдек буюк мунажжим ҳам Амир Темурнинг набираси эканини эсланг. Ҳарбий қудратимизнинг ривожланиши ва уни бутун жаҳон эътироф этгани ҳам Амир Темур туфайлидир.

– Темур ўз ҳукмронлик йилларида қарийб 29 та давлатни бирлаштириб, улкан империяни барпо этди, – деди филология фанлари доктори профессор Ҳамидулла Дадабоев. – Унинг номи дунёнинг энг машҳур ва етук саркардалари қаторидан ўрин олганини бугун ҳамма билади. Энг аҳамиятли томони, Амир Темурнинг жанговар қўшини ҳозирги давр нуқтаи назаридан айтилса, мунтазам армия даражасида эди. Ундан олдинги ҳукмдорларда эса бу ҳолат кузатилмайди. Шунингдек, унинг саркардалик маҳорати, ҳарб илмини пухта эгаллагани қўлга киритган ғалабаларидан ҳам яққол кўринади. Биз бугун ана шундай аждодларнинг вориси эканимиздан ҳақли равишда фахр этсак арзийди.

Тадбир давомида Халқаро Амир Темур жамғармаси томонидан ишланган Соҳибқирон ҳақидаги қисқа метражли фильм намойиш этилди. Академия тингловчиларидан майор Шавкат Омонуллаев ва капитан Бобур Неъматовларнинг маърузалари ҳам қатнашчиларга кўпгина маълумот берди. Тадбир якунида қимматли вақтларини аямай осойишталигимиз посбонларининг ҳузурига келган олимларга эсдалик совғаси топширилди.

Ўз мухбиримиз.

«ЕТТИ ИҚЛИМ СУЛТОНИ»

Буюк саркарда ва давлат арбоби Соҳибқирон Амир Темур бобомиз таваллудининг 670 йиллиги муносабати билан барча гўшаларда маданий-маърифий анжуманлар, учрашувлар ва бадиий кечалар ўтказилмоқда. Мана шундай тадбирлардан бири Қуролли Кучлар Марказий офицерлар саройида ҳам бўлиб ўтди. Мудофаа вазирлиги Давлат ва жамоат ташкилотлари билан ишлаш бошқармаси ва Маданий ишлар хизмати томонидан тайёрланган ушбу адабий мусиқали кеча «Етти иқлим султони», дея номланди. Кечада бир қатор нуфузли меҳмонлар ва санъаткорлар иштирок этишди.

Ушбу тадбир ҳақида кенгроқ тўхталиб ўтадиган бўлсак, аввало офицерлар саройининг йиғинлар зали саҳнаси кечага мос равишда безатилди. Саҳна тўридан жаҳонгир бобомиз сиймоси ва унинг ўгитлари жой олди. Шунингдек, «Амир Темур сиймоси бадиий-адабий саҳифаларда» номли китоблар кўргазмаси ташкил этилди. Зални тўлдириб ўтирган аскар ва курсантлар, сержант ва офицерлар дастлаб Амир Темур илмий-экспедицияси раҳбари Фахриддин Ашрафхўжаевнинг «Буюк Амир Темур юрган йўлларда» номли қизиқарли маърузасидан баҳраманд бўлишди. Саҳнага буюк саркарда сиймосини яратган Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов ижросидаги саҳна кўриниши учрашув иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши бўлим бошлиғи Бегмат Очилов ўз сўзида Ватан посбонларини улуғ бобомиз сингари мард ва жасур, оқил ва адолатпарвар бўлишга чорлаган бўлса, Ўзбекистон Фанлар академияси профессори, тарих фанлари доктори Қаҳрамон Ражабов «Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган ўрни» мавзусидаги маърузасида жаҳонгир бобомизнинг не чоғлик улуғ инсон бўлганлигини, жаҳон тамаддунига қўшган буюк ҳиссасини таъкидлаб ўтди.

Дилдан суҳбатлар орасида тадбир қатнашчиларига «Амир Темур тузуклари» ҳужжатли фильмидан парчалар намойиш этилди. Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандалари ижросидаги куй ва қўшиқлар эса барчага кўтаринки руҳ бахшида этди.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу адабий-мусиқали кечада иштирок этган ҳарбий хизматчилар етти иқлим султони бўлмиш Соҳибқирон бобомиз ҳақида янада кўпроқ маълумотга эга бўлишди. Ўзларини қизиқтирган саволларга муносиб жавоб олишди. Бундай тадбирлар барча округ ва гарнизонларда давом этмоқда. Амир Темур бобомиз ёди меҳр билан хотирланмоқда.

Зарина НИШОНОВА.

Турмуш чорраҳаларида

СЕВГИ ҚУДРАТИ

Ишқ туйғусининг гўзаллиги билан бирга бениҳоя қудратли ҳам эканига сира шубҳам қолмади.

Қишлоғимиз юксак пурвиқор тоғлар бағрида, марказдан анча узоқда жойлашган. Шу боис бу ерда яшайдиган одамларнинг феъл-атвори-да, ўзига хос. Яъни бир оз чапани табиатлик, ор-номус туйғусини ўта юксак баҳолаш ҳамқишлоқларимиз орасида азалдан давом этиб келаётган анъана. Кимдаким сал кўрқоқлик қилса ёки умумий тадбирлардан ўзини четга тортса, бир умр исноднга қолиб кетади. Катталарга иззат-ҳурматни-ку, қўяверасиз.

Фарҳод билан Чаман шу қишлоқнинг икки хонадонида туғилди. Ёшлигидан бир-бирини яқиндан таниб, қирларда қувлашмачоқ ўйнаб вояга етди. Вақти-соати етиб балоғат остонасидан ҳатлагач, улар юрагига ўлмас туйғу – муҳаббат кириб келди-ю, мустаҳкам ўрнашиб олди. Аммо севишганлар қаттиқ қаршиликка учради.

Ҳар иккаласининг ҳам отаси ўз лафзи учун ўлимга ҳам тик борувчи кишилар эди. Айниқса, Чаманнинг падари бузруквори Жўрамурод ака яқин дўсти Маликбой билан келажакда қудаандачилик ҳақида келишиб олгани боис шўрлик ошиқ-маъшуқларга тиш-тирноғи билан қаршилик қиларди. Фарҳоднинг дадаси Музаффар ака босиқ, сермулоҳаза киши бўлса-да, аммо у ҳам Жўрамурод аканинг иснодга қолишини хоҳламас, шунинг учун ўғлини имкон қадар Чамандан узоқлаштириш пайида бўларди. Бироқ муҳаббат дардига висолдан бошқа даво бор эканми? Ёшлар барча тўсиқ ва қаршиликларни мардона енгиб, бир-бирига тобора қўпроқ интилар, бунга сари катталарнинг жиғибийрони ошарди. Ниҳоят, жаҳлдор ота қизини уйдан чиқармай қамаб қўядиган бўлди. Ўша яқинга келиб қолган Фарҳодни эса қўни-қўшнилар ёрдамида тутиб олиб, роса калтаклади. Ўғлини ажратиб олиб кетишга келган Музаффар ака ҳам таёқ еб қолди.

Бу билан улар йигитнинг кўнглини қолдиришни, Музаффар ака эса орият важидан ҳам ўғлини Чамандан айнитишини кутган эдилар. Лекин покиза туйғуга ва унинг соҳиблари эътиқодига қилча ҳам таъсир этмади.

Фарҳоднинг қишлоқ теграсидаги қояларга Чаман суратини ўйиб солаётганини, расм чизиш асносида мунгли куйлар хониш қилиб юришини-ю, бир неча бор севикли маъшуқаси хонадони яқинида тентираб юрганини кўпчилик кўрган эди. Бу гап-сўзлар Маликбой аканинг Чаманга куёв бўлмоқчи бўлган ўғли Зафарга ҳам сира ёқмаётганди. Зафар Фарҳодни яхши билар, ўртадан Чаман мавзуси олиб ташланса, иккаласи бир-бири учун жонини фидо қилар даражада мард ва меҳрибон дўстлар эди-ю, аммо Чамандек гўзал қиздан кечиш ҳам осон эмас-да!

Лекин Зафар чин маънода мардлик қилди. Фарҳод билан учрашиб гаплашгач, ошиқнинг аҳволини ўз кўзи билан кўрди. Шунингдек, қизнинг юрагидан ҳам хабардор бўлди. Ва Фарҳоднинг олдидан тўппа-тўғри Жўрамурод ака хонадони сари йўл олди.

– Мен барчасидан хабар топдим. Бас, уларни ортиқ қийнаманглар. Чаман фақат Фарҳод билангина ҳақиқий бахтга эришиши мумкин. Одобсизлигим учун мени кечиринг, Жўрамурод ака. Мен қизингизга уйланмайман. Уларга бахт тилайман! – деди Зафар қизнинг отасига. Жўрамурод ака лол қолган, бир оғиз сўз айтишга чоғи келмасди.

Зафар чиқиб кетди. Бир зум карахт бўлиб турган Жўрамурод беихтиёр қизини қамаб қўйган хона сари йўл олди ва эшикни очиб қўйди. Кечқурун эса улар хонадонига Фарҳоднинг отаси Музаффар ака очиқ чеҳра билан, дўстона кулиб совчиликка кириб келди. Барча гина-кудуратларни унутган Жўрамурод унга пешвоз чиқди. Қисқа айриликдан сўнг яна бир-бирининг висолига етган йигит билан қиз эса бу лаҳзаларда кўчанинг нариги томонида жойлашган сердарахт боғнинг энг хилват жойида эдилар.

Я.КОМИЛОВ.

ТЕСТ

ЖУФТИНГИЗ ҚАНДАЙ ИНСОН?

Саволларга «ҳа», «баъзан» ёки «йўқ» деб жавоб беринг.

Оила боши бўлган эркаклар, аёлингизда қуйидагиларни пайқайсизми?

1. Эски кўйлак кийиб, ўзига қарамайди.
2. Унинг айби билан доим ишга кеч қоласизми?
3. Сабабсиз кулиш одати борми?
4. Телефонда кўп гаплашади.
5. Овқати «таги»га олиб кетадими?
6. Доимо гўзаллик салонида қолиб кетадими?
7. Ширинликни хуш кўриб, оқибатда семирмаяптими?
8. Унинг фикр-дарди кийим, косметика, соч турмагига бориб тақалмаяптими?
9. Телевизорда футбол томоша қилаётганингизда, бемаъни саволлар билан сизни чалғитмайдими?

Энди нозанин аёллар, навбат сизга. Сиз эрингизда қуйидагиларни сезаяпсизми?

1. Диванда ётиб, дам олишга интилади.
2. Кўп овқат ейди.
3. Доимо кийимлари сочилиб ётади.
4. Уйга келиб, баъзан «салом» сўзи билан кифояланади.
5. Ахлатни ташлаб келишни ўзига эп кўрмайди.
6. Сиз уйда бўлсангиз, телевизор кўраётган киши қиёфасига кириб олади.
7. Дўстларини сиздан кўра кўпроқ қадрлайди.
8. Ойнага тиш пастасини «суртиб» қўйиши мумкин (ҳаммомдаги).
9. Оёқ кийимини ўзи тозаламайди.

Энди, биргаликда балларни алоҳида равишда ҳисоблаб чиқинг. «Ҳа» – учун 3 балл, «Баъзан» – 2 балл, «Йўқ» – 1 балл.

0 ДАН 10 БАЛЛГАЧА: Сизнинг эр (хотин)ингиз – супер!

11 ДАН 14 БАЛЛГАЧА: Бағрикенг, осойишта, ақлли, ўйлаб иш кўрадиган умр йўлдоши сизга насиб этибди. Дўппини осмонга отинг!

15 ДАН 19 БАЛЛГАЧА: Умр йўлдошингиз баъзан кўнгилсиз ҳолатга тушиб қолади. Яхшилаб ўйланг: бунда сизнинг айбингиз улуши қанча? Оилани мустаҳкамлашга интилинг.

20 ДАН 24 БАЛЛГАЧА: Оилавий низо, тушунмовчиликлар сабаби – сизнинг турмуш ўртоғингиз. Бу ерда сизга бирон бир маслаҳат бериш қийин. Қалбингизга қулоқ тутинг. Шунча йилдан бери сизни алдамай, алдаса ҳам ишонтириб келяпти. Буёғига ҳам панд бермас,..

25 ДАН 30 БАЛЛГАЧА: Вой-бўй. Бунақасини қаердан топдингиз? Таърифга сўз ожиз. Очиғини айтайлик: умр йўлдошингизда салбий хислатлар йўқ эмас. Тўғри йўлга солиш сизнинг қўлингизда.

ПОЛЕЗНЫЕ СОВЕТЫ

ТЩАТЕЛЬНАЯ СОРТИРОВКА

Перед стиркой в стиральной машине важно правильно рассортировать белье. Например, не надо стремиться к однообразию и загружать сразу несколько простыней или пододеяльников. Лучше положить в барабан предметы разного размера, толщины. Например, один пододеяльник и несколько некрупных вещей – кухонные полотенца, салфетки, белье. Тогда все вещи отстираются лучше. Не забудьте рассортировать белье по цвету и фактуре: белое, цветное, лен, хлопок, синтетика, шерсть.

ЧТОБЫ ПРОДУКТЫ НИКОГДА НЕ ПОРТИЛИСЬ

Даже в холодильнике продукты быстро портятся. Порой это происходит из-за того, что вы их неправильно храните. Например, мясо и колбасу нельзя держать на лоточке из полиэстера (он не пропускает холод). Сыр не любит духоты, поэтому плесневеет в пакетах. Морсы и компоты теряют свои вкусовые качества в эмалированной посуде. Бутылки из-под газировки не предназначены для хранения масла, а консервы в металлической банке после того, как их открыли, следует перекладывать в стеклянную миску (чтобы не произошло окисления).

ШАШЛЫК



..получится очень ароматным, если положить на угли несколько неочищенных зубчиков чеснока, смоченных водой.

ПОЛЕЗНЫЕ КОСТОЧКИ

Бодрые кавказские долгожители всегда едят зерна граната вместе с косточками. Ученые из Тбилисского университета выяснили, что в гранатах содержится много растительных гормонов, которые способствуют омоложению организма. Особенно много фитоэстрогенов в гранатовых косточках и выжатом из них масле, которое, кстати, снимает раздражительность и головные боли, особенно у женщин. Так что не выплевывайте косточки: они полезные!

10 АПРЕЛЬ, ДУШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 «Таҳлилнома».
8.50 Олтин мерос.
8.55 «Олам ва одам» дастури: «Табиб итлар».
9.45 «Камалак» экрани.
10.35 «Ернинг муносиб эгасини топиш — долзарб масала».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 Олтин мерос.
11.30 Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига. «Икки дарё оралиғи». 3-қисм.
11.50 С. Аҳмад. «Фармонбиби аразлади». А. Ҳидоятов номидаги ўзбек давлат драма театрининг спектакли. 1-қисм.
12.50 ТВ-анонс.
12.55 «Фармонбиби аразлади». Спектакль. 2-қисм.
13.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ-анонс.
14.20 «Шахсий фикр».
14.55 «Яхшилар йўли». А. Қодирий.
15.15 «Зулматни тарк этиб». Бадиий фильм.
16.35 ТВ-анонс.
Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ-анонс.
17.15 Олтин мерос.
17.20 «Равнақ» студияси намойиш этади.
17.35 «Улуғ салтанат».
18.05 Оқшом наволари.
18.10 «Қуёши ботмайдиган юрт». Видеофильм. 11-қисм.
18.40 Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига. «Икки дарё оралиғи». 4-қисм.
19.00 «Аъло ўйинчи». Телелотерея.
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Телесериал премьераси.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Бир ўлка-ки».
22.00 «Тақдир ўйини». Телесериал премьераси.
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.20 «Олам ва одам» дастури: «Ҳиндистон».

ЁШЛАР

15.55 Дастурнинг очилиши.
16.00 Давр.
16.10 Кичкинтой театри.
16.30 Ёшлар овози.
16.45 Чемпион сирлари (рус тилида).
17.05 SMS-тест+ анонслар.
17.10 «Ўтган кунлар». Бадиий фильм.
18.40 Мусиқий лаҳзалар.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 SMS-тест + анонслар.
19.40 Ракурс.
19.55 Кино-SMS.
20.00 Қизил ҳудуд.
20.15 Олий лига кундалиги.
20.35 Давр репортаж.
20.45 UzEX хабарлари.
20.55 Эълонлар.
21.05 «Шубҳа». Телесериал.
21.50 Мусиқий лаҳза.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 Мусиқий лаҳза. ари (рус тилида).
